

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

Магистратура бўлими 5А 111601-«Маънавият асослари» мутахассислиги
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

«Тасдиқлайман»
Бўлим бошлиғи
Н. И. Асқаров

«Ҳимояга қўйилди»
Кафедра мудири
Т.Т. Мадумаров

«__» _____ 2015 йил

—

«__» _____ 2015

йил

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МАЪНАВИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШДА АХЛОҚ ВА ҲУҚУҚНИНГ
УЙҒУНЛИГИ»

Мавзусида магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Бажарди:

магистрант **О.А. Дадаходжаев**

Илмий раҳбар:

ю.ф.н., доц. **Т.Т. Мадумаров**

Андижон - 2015 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	<u>3</u>
I-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ.....	<u>11</u>
1.1. Фуқаролик жамиятининг асосий мазмун-моҳияти.....	<u>11</u>
1.2. Ўзбекистонда маънавий қадриятларни - фуқаролик жамияти қуриш омили сифатида юксалиши.....	<u>20</u>
II-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....	<u>32</u>
2.1. Фуқаролик жамиятида ахлоқнинг - маънавият тизимидаги ўрни.....	<u>32</u>
2.2. Фуқаролик жамияти қуриш шароитида - инсон ҳуқуқларининг юксалиб бориш жараёни.....	<u>40</u>
III-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АХЛОҚ ВА ҲУҚУҚ УЙҒУНЛИГИ.....	<u>51</u>
3.1. Фуқаролик жамияти қуришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигининг аҳамияти.....	<u>51</u>
3.2. Ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги - фуқаролик жамияти қуриш шари сифатида.....	<u>63</u>
ХУЛОСА.....	<u>75</u>
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	<u>81</u>
ИЛОВАЛАР УЧУН.....	<u>86</u>

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Мустақилликнинг илк давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг «Ўзбек модели» да бошқа мамлакатлар тажрибасидан фарқ қилиб, бу каби жамият қуришнинг асосида миллий маънавиятни юксалтириш ётади, деган тамойилни илгари сурилди. Чунки, миллий маънавий қадриятларсиз демократияни ривожлантириш ёки фуқаролик жамияти қуриш ўзбек менталитетига тўғри келмаслигини авлод-аждодларимиз ўз назарий қарашларида ҳар томонлама исботлаб берган.

Шунингдек, биз фуқаролик жамияти қуриш доирасида ҳуқуқий давлатни ҳам шакллантиришга киришган эканмиз, бу вазифани инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялашсиз амалга ошира олмаймиз. Чунки, эркин жамиятни фақат эркин инсонлар қура олади. Шу боис, мамлакатда ҳуқуқни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилди. Шу мақсадда фуқаролик жамиятига хос ва мос бўлган ҳуқуқий асослар шакллантирилди.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан мамлакатда умумқабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилган ҳолда республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда яқинлашишга интилган ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олинди. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг тарихдан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар қабул қилинди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасига биноан, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Ушбу

конституциявий норма одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий маданият қоидаси сифатида ижтимоий адолатни ҳам ўз ичига қамраб олган. Фуқаролик кодексида ахлоқий тушунча ва нормалар ифода этилган, хусусан, унинг 9-моддасида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилган.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, жамиятнинг нечоғлик демократлашуви, фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларини бажариши, энг аввало, адолатли жамият аҳолисининг феъл-атвориға, маънавий-ахлоқий ва уларнинг ҳуқуқий камолотиға боғлиқдир. Миллий одоб-ахлоқ ва анъаналар ҳам шахснинг ҳуқуқий онги ошишида ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ахлоқ қоидалари ўз-ўзидан ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу қоидалар агар муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топсагина ҳуқуқ манбаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ахлоқ қоидаси ҳуқуқ нормаси бўлиб тегишли ҳуқуқий муносабатға татбиқ этилиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг эркинлиги нафақат ёзма битимларда, балки унда ифода этилмаган одоб-ахлоқ, муомала шартларига риоя этиши унинг бажарилишини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалға оширишда жавобгарликни эркинлаштириш баробарида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқ нормаси сифатида ифода этилишининг таъминланиши, янги жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис миллий қонунчиликни ёки ҳуқуқни ахлоқ қоидалари билан уйғунлаштириш инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлашға имконият яратади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда нафақат қонун устуворлигини таъминлаш, балки миллий маънавият ва ахлоқ қоидаларининг ижтимоий тартибға солувчи восита сифатида мавқеини ошириш янги шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, миллий қадриятлар негизида ахлоқ ва ҳуқуқий маданият қоидалари уйғунлашиб, соғлом муҳитни шакллантиришға шароит тайёрлайди. Инсоният тарихида

хуқуқ нормалари яратилгунга қадар ижтимоий тартибга солишнинг асосий унсурлари – бу ахлоқ меъёрлари эди.

Зеро, юртбошимиз Ислоом Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда, **«Аслини олганда, ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ - бу, аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани»** дир¹.

Шунингдек, хуқуқ жамиятни ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида ахлоқ талабларига жавоб бериши керак. Ўз навбатида, хуқуқ-ижтимоий тараққиётнинг барометри, уни амалга оширувчи ва қафолатчисидир. Шу сабабли хуқуқ ва ижтимоий тараққиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Хуқуқнинг ёрдамсиз, унинг умуммажбурлов кучисиз, давлат томонидан қафолатисиз жамият бир бутун тузилма сифатида яшай олмайди. Хуқуқ фақат жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки уни ҳаракатга келтирувчи куч, восита, ижтимоий тараққиёт қафолатчиси сифатида ҳам хизмат қилади. Ахлоқ ҳам хуқуқ каби ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга, фуқаролар хуқуқий маданиятини ҳимоя қилишга, улар хавфсизлигини таъминлашга, қолаверса, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ўзининг фаол таъсирини кўрсатади.

Инсонни маънавий юксалишида ахлоқ ва хуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, ҳар иккаласи ҳам мустақил умуминсоний ва миллий қадрият даражасига кўтарилади. Чунки, ахлоқ, адолат, оқибат, меҳр-мурувват ва бошқа ахлоқий талаблар инсонга унинг онги, маънавий дунёси орқали ичидан таъсир кўрсатади. Хуқуқ эса ташқи тартибга солувчи восита бўлиб норматив-хуқуқий тизимга эга муайян юридик тилда ёзилган қоидаларни ўзида мужассам этади. Шунингдек, ахлоқ инсоннинг онги билан боғлиқ бўлиб, уларнинг маънавий ҳаёти ва дунёқарашига таъсир этувчи воситадир. Уни мажбурий ташқаридан объектив ҳолда ифода этиш талаб этилмайди. Хуқуқ эса ижтимоий тартибга солувчи восита бўлиб ёзма хуқуқни

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б.39.

Ўзида акс эттиради. Қолаверса, ахлоқнинг мазмуни, энг аввало, бурч, мажбурият, масъуллик каби қадриятларда ифодаланади. Ҳуқуқ тўғри йўлдан озишдан, қонунларга бўйсунмасликдан, жиноят содир этишдан сақлаб туришдан ташқари фуқаролик жамияти учун энг зарур бўлган инсон эркинлигини таъминлаб беради.

Фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ахлоқ ва ҳуқуқ иккита омил сифатида инсоният маънавиятини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратади. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини маънавий ривожлантиришда ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлиги масаласига доир магистрлик диссертациясини тайёрлаш энг долзарб вазифалар сирасига киради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини маънавий ривожлантиришда ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлаштиришга доир ислохотлар жараёни ишнинг объектини ташкил этади. Ўзбекистон жамиятида янги жамият қуриш шароитида маънавий юксалишлар, бу жараёндаги ҳуқуқ ва ахлоқни уйғунлаштиришга доир давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти ишнинг предмети ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишда асосан фуқаролик жамиятини маънавий жиҳатдан ривожлантириш масалалари, шунингдек бу масалани очиб бериш учун ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлигини илмий таҳлил этиш мақсади кўйилди. Мазкур мақсаддан келиб чиқилган ҳолда магистрлик диссертациясининг қуйидаги вазифалари белгиланди:

- фуқаролик жамиятининг асосий мазмун-моҳиятини таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда маънавий қадриятларни фуқаролик жамияти қуриш омили сифатида юксалишини ўрганиш;
- фуқаролик жамиятида ахлоқнинг маънавият тизимидаги ўрнини очиб бериш;
- фуқаролик жамияти қуриш шароитида инсон ҳуқуқининг юксалиб бориш жараёнини тадқиқ этиш;
- фуқаролик жамияти қуришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти эканлигини исботлаб бериш;

-ишда олинган илмий натижаларни шакллантириш, ишни яқуни сифатида хулосавий фикрлар ва ахлоқ ҳамда ҳуқуқ уйғунлиги соҳасидаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш сифатида таклиф, мулоҳаза, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

-Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг маънавиятни юксалтиришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигини таъминлашга доир назарий қарашлари ўрганилди;

-фуқаролик жамиятини маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳимлиги очиқ берилди;

-жамиятни маънавий ривожлантиришда ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлигини таъминлаш зарурияти очиқ берилди;

-фуқаролик жамияти қуриш шароитида маънавиятни юксалтиришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигини баркамол авлодни шакллантириш ва фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишдаги аҳамияти асослаб берилди;

-биринчи бор, алоҳида магистрлик диссертацияси сифатида фуқаролик жамиятини маънавий ривожланиши учун ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигига доир назарий ишланма ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилди;

-фуқаролик жамиятини маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳати сифатида ахлоқ ва ҳуқуқни уйғунлаштириш жараёнига доир илмий хулосалар олинди, бу соҳадаги масалалар ечимига кўмак сифатида таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида маънавий ривожланиш учун ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлигини ўрганишга доир қатор илмий тадқиқотлар, асарлар, китоблар, монографиялар ва мақолалар ёзилганлигига қарамай, ҳозирги фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари даврида бу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам мазкур мавзунинг магистрлик иши тадқиқот объекти сифатида танлашга жазм этдик.

Ўзбекистонда ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятида маънавий, ва унга боғлиқ ҳолда ахлоқ ва ҳуқуқни уйғунлаштиришга доир концептуал назарий ва амалий стратегик мақсадлар юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов асарларида мужассамлашди. Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ўзининг қатор асарлари ва маърузаларида янгидан қурилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг «Ўзбек модели» ни, шунингдек, жамият сиёсий соҳаси ва давлат қурилишини эркинлаштиришнинг муҳим жиҳатлари, йўналишларини аниқлаб беришдан ташқари бу соҳадаги ислохотларнинг ташаббускори ва йўлбошчиси ҳамдир.

Мустақиллик даврида миллий тадқиқотчиларимиздан М. Имомназаров ва У. Саидовлар миллий тараққиётнинг маънавий ахлоқий асосларини тадқиқ этган². Шунингдек, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш, унинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, социолог, иқтисодиёт фанлари олимлари - М. Байдадаев, Ш. Жалилов, Н. Жураев, Р.З. Жумаев, С. Джураев, З.М. Исломов, А. Мирзаев, М. Мирхамидов, А.Т. Тўлаганов, Э.Х. Халилов, М. Қирғизбоев, О.Т. Ҳусанов, М.П. Юнусова, К.А. Юнусов, И. Эргашевлар³ каби олимларнинг асарларида илмий таҳлил этилди.

Лекин, ҳали мамлакатимизда фуқаролик жамияти маънавийтини ривожлантиришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигига доир алоҳида монография, диссертация ва китоб шаклидаги тадқиқот ишлари амалга оширилгани йўқ. Шунинг учун ҳам мазкур мавзуда магистрлик диссертациясини тайёрлаш мақсади қўйилди.

² Имомназаров М., Саидов У. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари.-Тошкент: Академия, 2005.

³ Байдадаев М. Политико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. – Т.: 1996; Ш. Жалилов. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994; Н. Жураев. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: «Академия», 2002; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.: «Фан», 1996; С. Джураев. Гражданское общество: теория и практика. –Т.: Академия, 2006; З.М. Исломов. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: «Ўзбекистон», 2005; А. Мирзаев. Фуқаролик жамияти ва демократик қадриятлар. –Т.: «Фан», 2005; Мирхамидов М. Институт президентства Республики Узбекистан. –Т.: 2003; О.В. А. Тўлаганов Давлат ҳокимияти, вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фаолиятини ташкил этиш. – Т.: «Университет», 1996; Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма. – Т.: «Ўзбекистон», 2001; М. Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: «Академия», 2006; О.Т. Ҳусанов. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. –Т.: «Шарқ», 1996.

Тадқиқотнинг услубияти ва услублари. Илмий тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, мақсадли-тизимлилик, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсийлик услублардан фойдаланилади. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг асарлари ва маърузаларида илгари сурилган назарий ишланмалар ва амалий кўрсатмалар ишнинг концептуал-методологик асоси бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Шарқ ва Ғарбнинг таниқли олимларининг ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларига доир назарий қарашлари ишнинг назарий манбаси сифатида хизмат қилди. Ишни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон ҳукумати қарорлари ва давлат дастурлари назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган илмий натижалар ҳозирги даврга келиб ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятининг маънавий жиҳатларини бойитириш, бу жараёнда ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлигини таъминлаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, диссертациядаги таҳлиллар, хулосалар ва тавсиялар ёшларни маънавий юксалишга доир ислоҳотлардаги иштирокини фаоллашувига маълум даражада таъсир қилиши кутилади.

Ишда маънавий ривожланиш, ахлоқ ва ҳуқуқ билан боғлиқ тушунчалар мамлакатда фуқаролик жамияти куриш ислоҳотларига боғлаб таҳлил этилиши ёшларни бу соҳадаги билимларини бойитишга қаратилгандир.

Ишни назарий ишланмалари «**Маънавият тарғиботи**» марказининг вилоят ва туманлар бўлимлари ходимлари ахборот билимини ошириш манбаси сифатида, шу билан бирга, ишнинг материалларидан таълимнинг турли босқичларида илмий фаолият билан шуғулланаётган талабалар учун қўшимча материал сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги мавзунинг илк бор тадқиқот объекти сифатида танланиши, бу мавзу илгари алоҳида магистрлик иши сифатида

ёзилмаганлиги билан характерланади. Шунингдек, мавзу ҳали мамлакатимиз жамияти учун янги бўлган миллий меросимизни тиклаш масаласи билан узвий боғлиқ бўлганлиги, мамлакат тарихида фуқаролик жамиятини қуриш тажрибаси энди шаклланаётганлиги ҳам мавзунинг янгилигини ифодалайди.

Ишнинг тузилиши ва таркибий қисми. Диссертация кириш қисми, учта боб, олти бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат тузилмавий қурилмадан иборат.

I-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фуқаролик жамиятининг асосий мазмун-моҳияти

Фуқаролик жамияти – инсоният тамаддунининг ноёб кашфиёти ҳисобланади. У юксак маданиятга асосланган демократик тараққиётнинг олий шакли бўлиб, одамларнинг ўзига хос ижтимоий эркин макони ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг асоси – бу юксак маданиятга эришган, тўлақонли ҳуқуққа эга бўлган, онгли ва эркин фаолият юритувчи шахслардан иборат бўлади. Бундай жамиятнинг юқори даражада тараққий этиб, ривожланиши энг аввало, унда яшовчи шахсларнинг теран инсоний фазилатлари – комил маданиятига боғлиқ. Демак, фуқаролик жамиятнинг шаклланиши бевосита шахснинг индивидуал озодлиги ва эркинлиги, кадр-қиммати, маънавий салоҳияти билан белгиланади.

Маълумки, ҳуқуқшунослик илмида «давлат» ва «жамият» тушунчалари мавжуд. Аммо давлат билан жамият тушунчалари бир хил эмас. Давлат – жамиятнинг шаклланган сиёсий институтидир. Жамият тараққиётининг етуклашган муайян даврида давлат пайдо бўлгандир. Ифодали қилиб айтганда, жамият – давлатнинг танаси ҳисобланади. Давлат эса жамият «фарзанди», унинг маҳсулидир, шундай экан, жамият қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади. Ва аксинча, жамият ўз ривожига қандай босқичлардан ўтса, давлат ҳам шунга мутаносиб тарзда ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

Жамият турли одамлар гуруҳининг оддий мажмуидир, жамоаси эмас. Жамият – мураккаб ижтимоий организм ҳисобланиб, у – одамларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари маҳсулидир. Одамларнинг ҳаёти, энг аввало, ишлаб чиқариш, турмуш фаровонлигини таъминловчи истъеомол буюмлари яратиш ва уларни ўзаро алмаштириш билан боғлиқ муайян муштарак фаолият заминига кечади. Бошқача айтганда, жамият биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар устувор бўлган одамларнинг юксак шаклланган муштарак бирлигидир.

«**Жамият**» ва «**фуқаролик жамияти**» тушунчаларини айнан бир хил талқин этиб бўлмайди. Гап шундаки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожини инсоният, давлат ва ҳуқуқ тарихининг муайян цивилизациялашган даври билан боғлиқдир. Давлатдан фарқли ўлароқ, жамият ҳамيشа мавжуд бўлган. Лекин ҳамيشа ва ҳар доим ҳам у фуқаролик жамияти мақомига эга бўлмаган. Фуқаролик жамияти – инсоният тараққиётининг олий кўриниши, олий шаклидир.

Фуқаро ва фуқаролик ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб фуқароларнинг умумий уюшмаси сифатида жамият тушунчаси юзага келди. Бу тушунча, аввало, Шарқда жумладан қадимги Бобилда «**Хамураппи қонунлари**», қадимги Туронда «**Авесто**» сиёсий ва ҳуқуқий – ахлоқий таълимоти билан боғлиқ оташпарастлик, яъни зардуштийлик заминида, кейинчалик қадимги Эллада ва Римда пайдо бўлди.

Қадимда фуқаролик жамияти билан давлат ўртасида фарқ йўқ эди. Масалан, Арасту «**давлат – бу фуқароларнинг, фуқаролик жамиятининг умумий уюшмасидан бўлак нарса эмас**», деб таъкидлаган эди. Кўриняптики, Арасту «давлат» тушунчаси билан «**фуқаролик жамияти**» тушунчасини айнан бир хил нарса, деб талқин қилган. Шундай талқин XVIII асргача, яъни фуқаролик жамияти ҳозирги тушунча мақомида англандунича давом этди. Масалан, Сен Симон жамият иккита душманни, яъни анархия (**бошбошдоқлик**) ва деспотизм (**зўравонлик**) ни ёқтирмайди деб таъкидлади.

Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларнинг шундай етук жамиятики, унда юқоридаги икки иллат мутлақо инкор этилади. Гегель ўзининг машҳур «**Ҳуқуқ фалсафаси**» асарида фуқаролик жамияти тушунчаси ва назарий асосларини илк бор яхлит илмий жиҳатдан аниқ таърифлаб берди⁴.

Гегельнинг сиёсий ва ҳуқуқий, фалсафий таълимотида фуқаролик жамияти икки фундаментал тамойилга асосланиши исбот қилиб берилади. *Биринчиси*, индивидлар, яъни одамлар фақат ва фақат ўз хусусий манфаатларини кўзлайдилар. *Иккинчиси*, ана шу одамлар ўртасида ижтимоий

⁴ Гегель Ф. Философия права. – М.: 1990.-С.191.

алоқалар юзага келади, улар бир–бирларига мухтожлик ҳис этишади. Кўриниб турибдики, Гегелнинг сиёсий қарашларида ўз ижтимоий мавқеи, шахсий манфаатлари ва эҳтиёжидан келиб чиқадиган инсон – фуқаролик жамиятининг бош элементи ҳисобланади. Гегель фалсафасида «**фуқаролик жамияти**» атамаси сўз бирикмасининг аниқ мазмунига асосланган. Немисча «**Burgerliche Gesellschaft**» (Бургерлиске беселлшафт) икки маънога эга: бургер («**буржуа**») – ҳам фуқаро, ҳам буржуа, деганидир.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари нималардан иборат? Гегель таълимотида фуқаролик жамиятининг қуйидаги уч асосий белгиси қайд этилган: иқтисодий; сиёсий; маънавий. Бу асосий белгилар пайдо бўлган даврларда бирор давлатда Конституция ва яхлит ҳуқуқий манбалар йўқ эди. Инсоният ўз демократик ривожига Конституцияни, яъни ўз ҳаётини аниқ ҳуқуқий асосларда белгилашдек қадриятни кашф этди. Шу сабабли ҳозирги демократик дунёни айнан мазкур қадриятларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ушбу демократик омил фуқаролик жамиятининг – олий асосий белгисини вужудга келтирди.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси хусусий мулкчиликка таянади. Хусусий мулк фақат эркин, очиқ, ривожланишга қодир, сиёсатдан ва ҳар қандай мафкурадан, яъни мафкуравий монополизмдан холи жамиятдагина шаклланади, мавжуд бўлади.

Тарихий тажриба бот–бот исботлаганидек, хусусий мулк одамларни ижтимоий жиҳатдан табақалаштириш билан бирга, айти пайтда, уларни бирлаштиш ҳам пировард натижада айнан хусусий мулк давлат ҳокимиятидан мустақил бўлган фуқаролик жамияти таркибини шакллантиришга имкон беради.

Ривожланган мамлакатларда одамларнинг турмуш даражаси – фаровонлиги юқори бўлган жамият, яъни цивилизациялашган жамият юзага келди. Янги шаклланган фуқаролик жамияти турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмаслик, жамиятни ҳар қандай ижтимоий инқилоблар бўҳронига тортмаслик имконини беради. Хусусий

мулкдор ҳам, истаган жамоа ҳам мустақил ишлаб чиқарувчи бўлиши мумкин. Айни пайтда, ҳозирги барча ривожланган давлатларда тенг асосда давлат мулки ҳам мавжуддир.

Ишлаб чиқарувчилар жамиятнинг муайян қисми бўлса, истеъмолчилар унинг асосий ўзагини ташкил этади. Моддий ва маънавий неъматлар истеъмолчиси бўлган ҳар бир фуқаро тўқ, фаровон бўлсагина, истеъмол билан боғлиқ тақчиллик йўқолсагина жамият ҳам, давлат ҳам тинч, барқарор ва фаровон яшайди. Зарур маҳсулот ва хизматлар тақчиллиги, мулкнинг адолатсиз тақсимланиши жамоада ижтимоий норозиликка сабаб бўлади. Ана шундай норозилик юзага келмаслиги учун ташаббусни маъмурий ҳокимият ўз кўлига олишга интилади. Истеъмолчи мутлақо маъмурий ҳокимиятга қарам бўлиб қолади. Натижада фуқаролик жамияти ўрнига тоталитар жамият пайдо бўлди.

Хўш, бундай қарамликдан қутулишнинг йўли борми? Бор. У – эркин хусусий мулк, эркин мулкдор, тадбирколикдир. Тоталитар жамиятдан очик фуқаролик жамиятга ўтишда «социалистик мулк» ни хусусийлаштириш орқали хусусий мулкни, яъни мулкдорлар синфини шакллантириш мумкин. Мавжуд қонунлар асосида расман хусусийлаштирилган мулкни демократик давлат ўзига қайтариб олмайди. Аксинча, бундай давлат хусусий мулк эгаси билан ҳисоблашишга, унга зарур ҳуқуқий ва моддий имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилади.

Демократик мамлакатларда давлат фуқаролик жамияти фаолиятига аралашмайди. Ўзини ўзи бошқаришга эришган фуқаролик жамияти мустақил мулкдорлар ўртасидаги эркин рақобатни ҳимоя қилади. Шундан келиб чиқиб, либерал давлат мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, бутун жамият манфаатлари йўлида объектив хизмат қилади. Айнан ана шу мақсадда Ўзбекистон ўзининг эркинлаштириш, жумладан, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштиришни давлат сиёсатида айлантирди, қатъий инфратузилмага эга кўп босқичли эркин бозорни шакллантиришга киришди. Мақсад –

Ўзбекистонда мулкдорлар табақасини вужудга келтириш, унинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашдир.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида иқтисодий эркинлаштириш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб берди. **«Мақсад, - дейди Юртбошимиз, - биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодийнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъқул ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш»** дан иборатдир⁵.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий асоси демократиянинг амалда фаоллашуви фуқаролик жамиятида плюрализм, яъни сиёсий – ғоявий қарашлар хилма-хил бўлишини тақозо этади. Бундай плюрализмни кўппартиявийлик, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар, мустақил жамоалар уюшмалари таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятини ривожлантиришда алоҳида сиёсий-ижтимоий, ғоявий-ташвиқий мақом касб этади. Айнан оммавий ахборот воситаларигина бевосита ва билвосита, яъни тўғридан-тўғри фаолият олиб боргани боис, фуқаролик жамияти ҳаётининг бош омилига айланади, жамиятнинг атроф-муҳитдаги узлуксиз жараёнларга мувофиқлашувини таъминлайди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш, авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни яратишга киришилди. Фуқароларнинг сайлаш-сайланиш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни таъминлаши учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий замин яратилмоқда. Ана шу мақсадлар учун XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида Ўзбекистон **«Кучли давлатдан – кучли**

⁵ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 381-бет.

фуқаролик жамияти сари» сиёсий ислохотлар дастурини ишлаб чиқиб, унинг амалий ижросини таъминлашга киришган эди. Эришилган самараларда бугун жамиятда кўшпартиявийлик юзага келди, сиёсий плюрализм йўлга қўйилди, оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий–амалий асослари яратилди, теран сиёсий маданият шакллана бошлади.

Фуқаролик жамиятининг маънавий асоси, умуминсоний қадриятлар устиворлигига таянади. Бундай жамиятда эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат устивор қадриятлар ҳисобланади. Ҳамма учун бирдек шароит, бирдек имконият айнан умуминсоний қадриятлар - ривожланган ана шундай жамиятдагина юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13–моддасида **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади»**, деб ёзилган. Демак, мамлакатда фуқаролик жамияти асосларини белгилашда умуминсоний қадриятлар устувор мақсад қилиб олинган. Энг муҳими, ушбу қадриятларга миллий–тарихий анъаналаримиз назокат билан уйғунлаштирилиб, аниқ амалий самаралар бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида **«фуқаролик жамияти»** атамаси махсус ишлатилмаса-да, адолатли очик жамият талаблари ва қадриятларига хос меъёр ҳамда қоидалар – **«Халқ ҳокимиятчилиги»**, **«Конституция ва қонуннинг устунлиги»** бобларида, **«Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»**, **«Жамият ва шахс»**, **«Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши»** бўлимларида у ёхуд бу мазмунда ўз аксини топган. Уларнинг яхлит мундарижаси қонун асосларини мустақамлаш негизида ҳуқуқий давлат барпо этиш, конституциявий жамиятни шакллантиришга қаратилган. Чунки ҳуқуқий давлат ҳамиша ўз мақоми билан очик фуқаролик жамиятига асос бўлади.

Фуқаролик жамияти том маънода шаклланиши учун инсоннинг барча ички қобилият ва имкониятларини тўла–тўқис рўёбга чиқарадиган, шарт-шароит мавжуд бўлиши, инсон эркинлиги тўла тантана қилиши зарур. Айнан

шу омил фуқаролик жамияти ҳақидаги таълимотнинг асосий ўзаги ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг моҳияти хусусида ҳозирги пайтда кенг тарқалган фикр-мулоҳазалар, назарияларга эътибор берсак, уларда демократик жамият доирасида ривожланиб борувчи – иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар мажмуаси асос қилиб олинганига гувоҳ бўламиз. Демак фуқаролик жамиятида тегишли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий омиллар орқали кафолатланган кенг қўламдаги демократик ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлади.

Давлат ва жамият назариясида иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий субъектларнинг мустақиллигига асосланган фуқаролик жамиятининг мумтоз белгилари мавжуд. Бунда давлат функцияларининг тобора торайиб, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқларининг кенгайиб бориши – асосий тамойил, ривожланишнинг бош йўли қилиб олинганини кўрамиз.

Энди фуқаролик жамиятининг умумий ғоялари ва асосий тамойилларига эътиборни қаратамиз:

- иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари, бозор муносабатлари;
- инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ҳокимиятнинг эркинлиги ва демократик моҳияти;
- қонун ва одил судлов олдида шахснинг зарурий ҳуқуқий ҳимояси;
- улар ўртасидаги ўзаро алоқага асосланган ҳуқуқий давлат;
- сиёсий плорализм, муҳолифатнинг мавжудлиги;
- сўз ва матбуот эркинлиги;
- фуқаролар ўртасида ўзаро маъсулият ва мажбуриятлар;
- ижтимоий барқарорлик, тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тотувлик;
- одамларнинг фаровон яшашларини таъмирловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти, бу – эркин, демократик ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда якка ҳокимликка, валлонтаризмга, адоватга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонлик қилишга йўл

қўйилмайди. Бундай жамиятда фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик, адолат устуворлик қилади.

Фуқаролик жамиятда *биринчидан*, ҳар бир одам суд томонидан айбдор деб топилмагунича эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаро бўлиб қолаверади; *иккинчидан*, ҳар бир эркин фуқаро истаган тарзда қонун доирасида, қонун ва ахлоққа зид бўлмаган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Биринчи тамойилга кўра, ҳар бир фуқаронинг айби қонун йўли билан ҳуқуқий исботланмаган бўлса (фуқаро айбдорлигини исботлаш суднинг иши), у ҳалол, тўғри ва айбсиз ҳисобланади. Иккинчи тамойилга биноан, эркин фуқаро қонун ва ахлоққа зид бўлмаган ҳар қандай хатти–ҳаракат ва фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти сиёсат ва мафкура ҳукмронлигидан холи бўлади. Аммо, бу мазкур жамиятда сиёсат, ғоя ва эътиқодга ўрин йўқ, деган гап эмас. Аммо ҳар қандай ғоя, назария қанчалик муҳим ва долзарб бўлмасин, уни ягона ўзгармас деб мутлақлаштирилса айнан шу ерда мафкуравий ҳукмронлик бошланади. Илғор инсонпарвар ғоялар фуқаролик жамиятига мутлақо ёт эмас, аксинча, фуқаролик жамияти мана шундай юксак ғоялар асосида ривожланиб боради.

Фуқаролик жамиятида оила асосий андоза ва ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Гегель оилани давлатнинг биринчи базаси, сулолани эса иккинчи базаси, деб ҳисоблаган. Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, ахлоқ ва давлатчилик – фуқаролик жамиятида ҳал қилувчи асосий қадриятлардир. Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти давлат билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади, тараққий этади, фаолият кўрсатади. Улар ўртасида зиддиятлар бўлиб туриши мумкин. Аммо, ҳар қандай ҳолда ҳам давлат тизимлари одамларнинг шахсий ҳаётига даҳл қилмаслиги, уларни ўзига муте, қарам қилиб қўймаслиги лозим. Яна бир қарра такрорлаб айтамикки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир–бирига қарама–қарши турмасдан, аксинча, бир–бирига мададкор бўлиши, бири иккинчисини тўлдириб бориши зарур. Бошқача айтганда, жамиятни янада такомиллаштириш мақсадида муайян гуруҳларга, ташкилотларга уюшган фуқаролар муҳим ижтимоий масалаларни

ҳал қилишга оммани сафарбар этишлари, давлат муассасалари устидан жамоат назорати олиб боришлари, улар фаолиятини баҳолашлари мумкин. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир–биридан айри, мутлақо ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро боғланган яхлит тизим сифатида мавжуд бўлади. Демак, уларни бир–биридан ажратиб бўлмайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти – нодавлат ва носийсий (иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, маънавий, оилавий, диний) муносабатлар мажмуидир. Мана шу муносабатлар асосида эркин индивидлар–мулкдорлар ва улар уюшмаларининг манфаатларини шаклланиб, кучга киради.

Фуқаролик жамияти кўп жиҳатлари билан мураккаб категориядир. Энг аввало, у ягона ташкилий марказга эга эмас. Фуқаролик жамиятини таркибан ташкил қилувчи жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ўз –ўзидан табиий равишда юзага келади. Давлатнинг иштирокисиз фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётда ўзини ўзи ташкил этувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи қудратли тизимга айланади.

Кучли ва фаол фуқаролик жамияти кучли демократик асосларга таянувчи учта муҳим тамойилнинг ривожланиши учун зарурий имкониятлар яратиб беради. Демак, фуқаролик жамиятининг ўзига хос муҳим белгилари – бу унинг юксак маънавият ва ахлоқ меъёрлари асосида ривожланишидир. Чунки, демократия ва умуминсоний қадриятларсиз ҳеч бир жамиятнинг ривожига эришиб бўлмайди. Ўз ўрнида, бу тушунчалар маънавий ва ахлоқий характер касб этади.

1.2. Ўзбекистонда маънавий қадриятларни - фуқаролик жамияти қуриш омили сифатида юксалиши

Мамлакатда фуқаролик жамиятини қуришнинг «Ўзбек модели» да маънавий юксалиш жараёнига муҳим эътибор қаратилган. Шу билан бирга, Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қуйидагиларни маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар деб кўрсатиб бердилар:

- Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар.
- Халқ оғзаки ижоди.
- Халқимизнинг анъаналари.
- Дин.
- Диний фалсафий алломаларимиз мероси.
- Бемисил илмий ижодий кашфиётлар.
- Давлатчилигимизни юксалтирган буюк бобокалонларимиз мероси.
- Бадий маданиятимизни юксалтирган даҳоларимиз мероси.
- Жадид боболаримизнинг ижодий мерослари ва фаолиятлари.
- Оила ва оилавий тарбия.
- Маҳалла.
- Таълим-тарбия тизими.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: **«Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади»⁶.**

Президент И.А. Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: **«Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра**

⁶ Ўша жойда.

маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...».

Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий-руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Президент И.А.Каримовнинг яна бир муҳим концептуал ғояси **маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи ўлкан омил эканлигини** илмий асослаганлигидир. Президент И.А. Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади. Муаллим талабалар диққатини худди мана шу ғоянинг моҳиятини тушуниб етишга қаратиши лозим.

Юртбоши мазкур асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар **«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур - фахримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,**

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкуриси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз («Туркистон» газетасининг мухбири саволларига жавоблар)», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура - келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман («Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар)», «Юксак маънавият – енгилмас куч» каби асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларида ўз ифодасини топган.

Президент И.А. Каримовнинг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов «**Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузолар, олиму-уломолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.**

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди»⁷ - деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демақдир»⁸ - деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига кўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади.

⁷ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Шарқ, 1998, 3-4 бетлар.

⁸ Ўша асарда 5, 10-бетлар.

Президент И.А.Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: **«Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш нахотки мумкин бўлмаса?»**⁹.

Мамлакатда ўтказилаётган ислоҳатлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президент И.А. Каримов маънавиятни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор бериб, қуйидаги фикрни билдирган эди: **«Моддий ислоҳатлар, иқтисодий ислоҳатлар - ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳатлар - қуллик, муътелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда»**¹⁰.

Президент И.А. Каримов маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: **«Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч,**

⁹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил, 34-35 бетлар.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т: Ўзбекистон, 1996, Т.1, 202-бет.

хотира, виждон, эркинлик - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»¹¹ - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президент И.А.Каримов **«Маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол тапиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»¹²** лигини таъкидлайди.

Президент И.А. Каримов асарларини кунт билан ўрганиб борар экансиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** номли асарида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: **«Маънавият – инсонни руҳан рокланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».**¹³

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс этган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта куч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президент И.А. Каримов томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

¹³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, -Т., «Маънавият», .2008.19-бет.

олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазиғамизга айлантиришимиз, миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. **«Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохатларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан узвий боғлиқдир»¹⁴.**

Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Бу соҳадаги концептуал вазиғаларни муваффақиятли амалга ошира олсак Президент И.А. Каримов томонидан жамиятни маънавий янгилаш борасида белгилаб берган кўрсатмаларини бажара олишимиз мумкин бўлади. Белгиланган бу вазиғалар Ватанимиз ва миллатимиз истиқболи учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини тараққиётимизнинг ўтган даври тўла тасдиқлади.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга;

иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинойткорона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида

¹⁴ Ўша асар 18-бет.

куч, кудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми, ёки каттами ундан катъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий-маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фидойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беради;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президент И.А. Каримовнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «**куч - билим ва тафаккурда**» - деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлигини;

олтинчидан, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантириш - мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шarti эканлигини тушуниб етиш;

еттинчидан, миллий истиқлол ғоянинг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий

йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқарилган миллий маънавий тикланиш илмий-назарий концепцияси жуда катта назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эгадир. Маънавиятни тушуниш, англаш учун инсонни тушуниш, англаш керак¹⁵. Бу концепция келажакда масалани яна ҳам чуқурроқ ўрганишимиз учун асос бўлади.

Ўзбек халқи 130 йилча мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси паймол этилди, тарихи сохталаштирилди, илмий, маданий бинобарин маънавий меросга ниглистик қараш ҳукм суриб чеклаб қўйилди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилик кўрсатолмай юввош яшайверишга кўникиб қолаётган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмин фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Мустақилликни кўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар кўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазибаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Президент И.А. Каримовнинг миллий маънавий тикланишимиз борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикаимизда **«Маънавият ва маърифат»**

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч, -Т., «Маънавият», .2008.2 9-бет.

жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, А.Қаҳҳорнинг 100 йиллиги нишонланишида бош-қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонланди.

Қатағон йилларида миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган халқимизнинг ана шу севикли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шаҳидлар ҳиёбони барпо этилди.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига айланиши борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларни номлашда тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима

этилмоқда. Хуллас, мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг кадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати мустаҳкамланди, мактаблар ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини русийзабон ёшларнинг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш борасида кўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Президент И.А. Каримов Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»**¹⁶.

Юқорида келтирилган ютуқларни қўлга киритишимизни халқимиз адолатли равишда Президент И.А. Каримов номи билан боғлайди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Президент И.А. Каримов томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган барча ишлар халқимизнинг қадини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг

¹⁶ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 9-бет.

ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз абадийлигини
мустаҳкамламоқда.

II-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1. Фуқаролик жамиятида ахлоқнинг - маънавият тизимидаги ўрни.

Барча даврларда жамиятда инсонлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар - сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий мезонлар асосида бошқарилган.

Жамият – муайян эҳтиёж ва манфаатларга кўра бирлашган кишиларнинг маълум тарзда ташкил топган мажмуаси ҳисобланади. Фуқаролик жамиятида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлар заминида ҳам ахлоқий мезонлар устунлик қилади. Шунинг учун ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан фуқаролик жамияти иборат бўлади. Шарқ халқларида, асосан ўзбекларда инсоний муносабатларда биринчи навбатда ахлоқ ётади.

«**Ахлоқ**» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «**хулқ**» сўзининг кўплик шакли ҳисобланади. «**Ахлоқ**» ибораси икки хил маънога эгадир: **умумий тушунча сифатида у фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-харакатининг кенг қамровли қисмини билдиради.** Ахлоқ — жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодисадир.

Ахлоқ – кишининг жамиятдаги хулқини меъёрий тартибга солувчи усуллардан биридир. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, масалан: меҳнат, маиший турмуш, оила, сиёсат, халқаро муносабатлар ва шу кабиларга алоқадордир. Ахлоқ - ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, бутун ижтимоий онг сингари унинг ҳам тузилиши бир хил эмасдир.

Ахлоқ – маънавиятнинг амалда намоён бўлишидир. Инсондаги илм, билим, дунёқараш, идрок ва иймон унинг хулқида ўзига хос тарзда акс этиб, маънавияти ахлоқий фазилатлар сифатида кўринади. Маънавият – кўринмас, ботиний қудрат бўлса, ахлоқ бевосита хар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан

маънавий муносабатини англатади. Шу сабабли ахлоқ инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби маънавиятнинг тушунчаларини инсон амалий фаолиятида юзага чиқарувчи ҳодисадир.

Атоқли файласуф Эркин Юсуповнинг таъбирича: **«Ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир»** - деган фикри диққатга сазовордир¹⁷.

Ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат ахлоқ заминидагина инсонларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, жамият олдидаги бурчи ва маъсулияти, бошқа ахлоқий тушунчалар ва меъёрларга муайян муносабат шаклланади.

Маънавият эса инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймон-эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.

Президент И.А.Каримов маънавият ҳақида ўзининг қуйидаги фикрини билдирган эди: **«Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.**

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиллага етиб бориши учун, оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар, қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига

¹⁷ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Тошкент: Университет, 1998. -Б.38.

эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир».¹⁸

Ахлоқшунослик фани ўз моҳиятига кўра инсонга ташқаридан баҳо беради, унга мана бу фазилат, бу эса иллат деб инсоннинг мавжуд ҳислатларини таҳлил қилиб кўрсатади. Бу фан мавжуд далилларни қиёсий ўрганиб, уларга жамиятда қабул қилинган меъёрлардан келиб чиқиб баҳо беради. Маънавият баҳо бермайди, у имкониятлар ҳақида фикр беради. Маънавият фани инсонга унинг ички имкониятини кўрсатади, инсонга барча фазилатларни манбаини қидиришни, уларни қандай ҳосил қилишни ўргатади. Ахлоқ инсон ҳислатларини борича таҳлил қилади, маънавият уларнинг ҳосил бўлиш асосларини қидиради.

Ҳар бир жамиятнинг маънавияти инсон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон ва эътиқоди, ахлоқ-одоби, тажриба-малакасини ўз ичига олади ва инсонларнинг фаолияти, истеъдоди, қобилияти, юриш-туришида намоён бўлади.

Инсоннинг ҳаёт тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, ҳатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламини бойитиб боради. Ақлан ва ахлоқан бойиб борган сари ўз олдига олижаноб вазифаларни қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракат эса маънавий заминни талаб қилади. Маънавий камолот жараёнида инсон характери тобланиб боради.

Инсон маънавияти минг бир сифат, беҳисоб жихат ва қирралар билан жилоланади: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ўқтамлик ва ташаббускорлик, ҳиммат ва саховат, журъат ва шижоат, орият ва хокисорлик, босиқлик ва ҳилм, фаросат ва заковат каби жами инсоний фазилатлар маънавиятнинг ахлоқий асосидир.

Ахлоқшунос олим Абдулла Шер ахлоққа ўзгача таъриф беради: «Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини - хулқ, энг қамровли қисмини эса ахлоқ эгаллайди. Одоб - инсон

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисодийёт, сиёсат, мафкура. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б.81.

хақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясайдиган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Хулқ - оила, жамоа, маҳалла-қўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи. Ахлоқ - жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса»¹⁹.

Ахлоқий қадриятларга риоя қилишни ҳар бир шахс ўзидан бошлаши керак. Энг асосий нарса ахлоқий қадриятларни билиш эмас, балки уларга амал қилишдир. Шахс фаолитяга ахлоқий баҳони жамоатчилик беради. Ахлоқчилик – шахс фаолиятининг жамоатчилик белгилаган маънавий мезонларга мос келишидир. Барча ахлоқий хатти – ҳаракатлар таҳлилга маънавий асос бўлган иймон, виждон эса инсон ҳаётининг ички руҳий қонунидир. Ахлоқ муаммолари таҳлилида инсон кўпроқ шу ички қонунга таяниб иш кўради.

Ахлоқнинг бошқа ижтимоий–маънавий ҳодисалар билан ўзаро алоқалари ҳам мавжуддир. Булардан дин ҳам инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. У инсон маънавияти ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Ахлоқий қадриятлар, ахлоқчиликнинг мезонлари масаласига динда ҳам катта эътибор берилган. Шу боис диний-шаръий тамойиллар ва меъёрлар, Ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар қандай диний таълимотлар жамият тараққиётининг муайян босқичида объектив, субъектив эҳтиёжлар, заруриятлар асосида келиб чиқади. Қуръон, ҳадислар, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи асосларида олдинга сурилган барча ғоялар заминида руҳий покланиш, иймон, виждон, эътиқод билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммолар ўртага қўйилган. Жамият ҳаёти ва

¹⁹ Шер А. Ахлоқшунослик. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.- Б.6

шахсий ҳаётдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун инсон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли, ҳалол, эътиқодли бўлиши керак деган ғоя ислом динининг мазмунида катта ўрин олган. Чунончи, инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади.

Дин ўзининг ижтимоий таъсири ва кучи жиҳатидан ҳар қандай мафкурадан устун туради. Динга эҳтиёж маънавий камолотга бўлган эҳтиёжнинг бир кўринишидир. Динсиз жамият маънавий жиҳатдан заиф ва қашшоқ бўлади.

Дин сиёсат эмас, балки маънавият эканини унутмаслик лозим. Динни қурол қилиб, ўз сиёсий мақсадларига эришиш йўлида инсонларнинг ҳиссиётларидан фойдаланишга интилиш нималарга олиб борганлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Ахлоқий талаб ҳуқуқий қонун-қоидаларда ўз аксини топади дейиш билан биз ахлоқ ва ҳуқуқнинг мустақкам алоқага эга эканини тасдиқлаб турибмиз. Зеро, аслида ҳам шундай. Маънавий камолот юксакликка, илғор ривожланишга интилишдир, жамият тараққиётига, тенглик, тенг ҳуқуқлилик, озодлик, адолат, инсон кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга интилишдир. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, **«Эркин фуқаро ва озод шахс ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин. Шундай экан, фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини танимасдан, фаоллашмасдан, сиёсий онги ошмасдан, чинакамига ватанпарвар, фидойи бўлмасдан ўз вазифаларини адо эта оладиларми? Шубҳасиз, адо эта олмайди»²⁰**.

Инсон дунёга маълум бир мақсад билан келмайди. У ўзлигини идрок этгандан сўнг ҳаётдан, яшашдан маъно излайди ва бу нарса унинг ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Инсон ҳаётда яшар экан, у доимо комилликка қараб интилади. Комил инсон бўлиб етишиш учун ахлоқий, эстетик ва ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти катта. Ҳуқуқий тарбия доирасига тортилган ҳар бир шахснинг умумий маданияти, яъни унинг сиёсий, ахлоқий, диний, илмий, фалсафий салоҳиятларини инобатга олинган ҳолда олиб борилганда, мазкур

²⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б.232.

фаолият анча самарали бўлади. Ҳуқуқни билиш ва у ҳақда тасаввурлар, одатда кишига ҳуқуққа зид нарсани қонуний нарсдан фарқлашида қандайдир ходисани ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашида ва унинг эҳтимол бўлган ҳуқуқий оқибатларини тасаввур этишида ёрдам бериб, биргаликда фаолият кўрсатади.

Ахлоқ билан санъатнинг ўзаро алоқалари ҳақида гап кетганда, энг аввало, уларнинг жуда ҳам бир-бирларига яқинлик эканликларини таъкидламоқ лозим. Санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим жараён ҳисобланади. Шунинг баробарида, у инсонни доимо ўзига жалб этиб келган. Санъат инсоннинг эҳтирослар ва туйғулар оламига сингиб боради. Шунинг учун бўлса керак санъат барча даврларда инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Санъат кенг маъноли тушунчадир. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Ва ниҳоят санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурати туғилди. Ҳар қандай жамиятнинг ўз мафкураси бўлмоғи лозим. «Мафкура бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, гўзалликка доир бадий қарашларнинг бутун бир тизимига мафкура дейилади»²¹. Мафкурасиз жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг мафкураси миллий истиқлол мафкурасидир. Бу мафкуранинг мазмуни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Муайн мақсадни ифода этувчи ҳар қандай мафкура инсонлар онгига сингиб, эътиқоди моҳиятини белгилаб, амалий фаолиятига асос бўлгандагина катта ижтимоий кучга айланади. Ахлоқ билан мафкуранинг алоқаси ҳам жамият ҳаётида жуда

²¹ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б.117.

катта аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар бир мафкура муайян ғоялар ва қарашлар тизимидан иборат бўлади.

Маънавиятнинг яна бир муҳим жиҳати билим, илм, малака, истеъдод ва қобилият бўлиб, улар ҳам муайян ахлоқий камолот заминида шаклланади. Маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм – фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, касб-хунарни эгаллашга малака оширишга иштиёқ бўлмайди. Шу сабабли жамият тараққиётнинг барча босқичларида аввало ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаб, уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий таълимшунослигидаги таълим-тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ-одоб тарбияси устивор аҳамиятга эга бўлган.

Ахлоқнинг сиёсат билан алоқаси ҳам ниҳоятда қадимий: илк давлат юзага келгандан буён мавжуд. Масалан: милоддан аввалги XVIII асрда Бобилон подшоси Хамураппи томонидан ишлаб чиқилган қонунлар мажмуи ҳуқуқий ҳужжат бўлсада, унинг асосида ахлоқий фазилат-адолатни барқарор этиш ётади. Зеро Хамураппи бу қонунларни мамлакатда ҳақиқат қилиш, адолат ўрнатиш, етим-есирлар ва бева-бечораларга химмат, раҳм-шафқат кўрсатиш мақсадида жорий этганини таъкидлайди.

Маънавият нуқтаи назаридан инсонлар ўртасидаги ҳар қандай муносабат сиёсат соҳасига оиддир. Ҳақиқатан ҳам, эр–хотин ўртасидаги муносабат, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, кўни-қўшни, қариндош-уруғ, куда-анда билан муносабат, ҳамкасблар билан ҳаттоки бегоналар билан бўлган муносабат буларнинг барчаси ҳам сиёсатдир. Демак инсонлар бир-бири билан маълум маънода муносабатга киришига мажбур экан, бу муносабатларда ахлоқий тарбия ва ҳуқуқий билимлар жамламасидан фойдаланган ҳолда алоқада бўлишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкин, ахлоқ – маънавиятнинг амалда намоён бўлишидир. Инсондаги илм, билим, дунёқараш, идрок ва иймон унинг хулқида ўзига хос тарзда акс этиб, маънавияти ахлоқий фазилатлар сифатида кўринади. Маънавият эса кўринмас, ботиний қудрат бўлса, ахлоқ бевосита ҳар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан маънавий муносабатини англатади. Шу

сабабли ахлоқ - инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби маънавиятнинг тушунчаларини инсон амалий фаолиятида юзага чиқарувчи ҳодисадир.

2.2. Фуқаролик жамияти куриш шароитида - инсон ҳуқуқларининг юксалиб бориш жараёни

Ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва инсон шахси кадрланишига доир тасаввурларнинг шаклланиши замонавий дунёнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг шахси юксак қадрият эканлигини эътироф этилиши ва инсон ҳуқуқларини таъминланишига риоя қилиниши давлатларнинг демократлашуви, шунингдек давлатлараро муносабатларнинг цивилизациялашганлиги рамзига айланди. Улар шахс ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларида унинг устун ролини эътироф этган ҳолда эзгулик, адолат, эркинлик, тенглик, демократизм, раҳм-шафқат каби универсал умуминсоний категорияларни ўзида мужассамлаштирди.

Ижтимоий онгда инсон ҳуқуқларининг вужудга келиши ва шаклланиши, уларни рўёбга чиқаришга эришилиши — аслида инсоният тадрижий ривожланиш жараёни ва аввало одамларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларидир. Патриархат жамиятда оилада ота ҳукмронлик қилган бўлсада, оила аъзоларининг ҳуқуқий ваколат ва имтиёзларисиз оила мавжуд бўла олмаган. Матриархат давридаёқ аёл ва эркаклар ўзларидан насл қолдиришлари учун жуфт бўлиб яшаш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиш кераклигини табиатнинг ўзи исботлаб берди. Аммо бу онгли равишда амалга ошмай, барча жонзотлар сингари насл қолдириш туйғуси орқали амалга оширилган эди²².

Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, айтиш жоизки, инсон ҳуқуқларининг вужудга келишида унинг нормал ҳаётий фаолиятига нисбатан турли таҳдидлар ҳамда уларга самарали равишда қатъий қаршилик кўрсатишга интилиш асосий сабаблардан бири бўлган. Инсон ҳаёти минг йиллар давомида хавф-хатарларга дучор бўлган, кадр-қиммати поймол қилинган. Унга жавобан табиий равишда одамларнинг тенглиги,

²²Қаранг: Аристотель. Политика. Афиская политика.—М., 1997. — С. 36.

уларни камситиш, шафқатсизлик, зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг инсонпарварлик ғоялари туғилган ҳамда қарор топган ва ҳ.к.²³.

Тарихдан маълумки, инсоният инсон ҳуқуқларини сақлаб туриш ва ҳимоя қилиш учун махсус саъй-ҳаракатлар талаб этиладиган вазиятга тушиб қолмаслиги учун ҳар бир авлод инсон ҳуқуқларини янгидан қайта-қайта ҳимоя қилавериши керак. Инсон ҳуқуқларининг илк бор мустақамланиши миллий хартиялар, декларациялар, конституция нормалари шаклида амалга оширилган. 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларацияси анча таъсирчан қонунчилик ҳужжати бўлиб хизмат қилади ва унинг тарихда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг эътироф этилиши ва ҳимоясининг муҳим белгиси бўлганлиги бежиз эмас. Декларациядаги демократик тезиснинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унга кўра, ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмайдиган, ҳокимиятлар бўлиниши амалга оширилмаган жамият конституциявий ҳисобланмайди.

Шахсий ҳаёт, мулк, хавфсизлик соҳасидаги, ҳокимиятнинг жавобгарлиги, жумладан диний ва бошқа фикр-мулоҳазалар табиий, ажралмас ва муқаддас ҳуқуқ ва эркинликларга киритилган. Француз Декларацияси билан бир қаторда тарихда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ифодаланган инглиз Хабеас Корпус Акти, Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси, АҚШ Конституцияси ва ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатлар ҳам муайян аҳамиятига кўра ажралиб туради. XX асрнинг бошларида шахс ва давлат ўртасида асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг эътироф этилишига асосланган шартнома муносабатлари принципи Европа, Лотин Америкаси ва мустамлакачилик асоратидан халос бўлган бир қатор Осиё давлатларида қонуний асосда қабул қилинди. Ушбу жараён аста-секин мустақилликка эришган Африка ва Осиё давлатларига ҳам ёйилди. Айниқса, кишиларнинг бир давлат кучи

²³ Багафсилроқ қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик.- Т., 2012.-Б.18-61.

билан ҳуқуқ ва эркинликларни тўлиқ ва керакли даражада ҳимоя қилиб бўлмаслигига ишончи орта бошлади. Халқаро гуманитар алоқаларга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб борди. Инсон ҳуқуқларининг, биринчи навбатда - ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқини даҳшатли ва оммавий равишда бузилишига олиб келган Иккинчи жаҳон уруши мазкур соҳада давлатлар ва халқларнинг ўзаро кенг ҳамкорлигига айланиб, инсон ҳуқуқларининг байналмилаллашувида кескин бурилиш палласи бўлди. 1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузилишининг асосий мақсадлардан бири Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари унинг ирқи, жинси, тили ва эътиқодидан қатъи назар ҳамма учун бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш эканлиги бежиз эмас (БМТ Низомининг 1-м).

1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат - Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинди. Унинг матни инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигидан иборат инсонпарварона иборалар билан бошланади. Декларация расман юридик мажбурий ҳужжат ҳисобланмасада, аммо аксарият кўпчилик давлатлар томонидан умумэътироф этилганлиги боис, у ҳозирги кунда том маънода шундай ҳужжатга айланди.

Кейинчалик БМТ бошчилигида инсон ҳуқуқларига бағишланган ўнлаб бошқа бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар қаторида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (унга 1966 йилдаги тегишли факультатив протоколни ҳам қўшиб) ва Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт алоҳида аҳамиятига кўра ажралиб туради. Улар шартномалар сифатида намоён бўлади ва иштирокчи томонлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири расмий равишда мазкур ҳужжатларнинг қоидаларига

риоя қилишга рози бўлади. Юқорида зикр этилган Декларация ва Пактлар йиғиндиси Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл деб аталади. У ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида индивиднинг энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхатини ўз ичига олади ва давлатларнинг шахснинг ҳуқуқий мақомини қонуний мустаҳкамлашига йўналтирилган умумий демократик андоза сифатида хизмат қилади. Бу ўринда яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, қийноқ ҳамда бошқа шафқатсиз муомала ва жазо турларидан озод бўлиш; суд орқали ҳимояланиш; эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги; тузар жой дахлсизлиги; сўз эркинлиги; виждон ва дин эркинлиги, тинч йиғилишлар эркинлиги, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, меҳнат, дам олиш, ижтимоий таъминот, билим олиш ва бошқа шу каби ҳуқуқлар тўғрисида сўз юритилади.

Айтиш жоизки, «инсон ҳуқуқлари» ва «инсон эркинлиги» тушунчаларининг мувозий равишда ишлатилиши улар ўртасида қатъий фарқ борлигини билдирмайди. Инсоннинг шахсий ва сиёсий турмуш соҳасидаги айрим қонуний ҳуқуқлари давлатнинг асоссиз аралашувидан ҳимояланиш мақсадида тарихан эркинлик сифатида шаклланган.

Эндиликда дунёдаги аксарият кўпгина мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга мос келадиган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхати жой олган. Улар давлатлар томонидан юридик мустаҳкамланган бошқа ҳуқуқлар билан биргаликда у ёки бу мамлакат инсон ва фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кўринишида намоён бўлади. Бунда муайян тарихий ва миллий хусусиятлар, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тузилиш, ахлоқий анъаналар ва шу қабилар ҳисобга олинади. Бу ерда «инсон ҳуқуқлари» ва «фуқаро ҳуқуқлари» тушунчаларининг асослантилган мутаносиблиги ётади.

Ҳозирги замон тушунчасида «инсон ҳуқуқлари» ва «фуқаро ҳуқуқлари» замонавий тушунчада у ёки бу мамлакатнинг қонунларида мустаҳкамланганлиги, шахснинг фуқаролигидан қатъи назар,

умумижтимоий, фалсафий, ахлоқий, табиий равишда вужудга келувчи ва ажралмас қатъий-юримдик мезон сифатида эътироф этилади.

Фуқаро ҳуқуқлари фақат муайян давлатнинг норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади ва бир вақтнинг ўзида унинг маълум фуқаролик мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилади. Табиий ҳуқуқларни тан олмаган ҳолда, уларни ўзбошимчалик билан чеклаш, амалга оширилишига тўсқинлик қилиш, асоссиз равишда таъқиқлар киритиш орқали ҳар қандай давлат, агар бундай таъқиқларни норматив равишда қонунлаштиради, қонунга хилоф фаолият юритган бўлади. Агар, ҳатто инсон ҳуқуқлари умуман миллий қонунчиликда мустаҳкамланмаган бўлса ҳам улар юримдик кучидан, юксак маънавий салоҳиятидан маҳрум бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда эътироф этилганидек, уларсиз индивид умуман муқаммал ҳаёт кечири олмайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чеклаш ҳақида сўз юритганда, бу ҳақида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида умумий тартибда қуйидагилар келтириб ўтилган:

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ қамол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига асло зид бўлмадлиги керак.

Ота-оналарнинг болаларни ҳимоя қилишга мажбурийлиги, ҳозирда ҳам энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларининг қонунчилигида ўз тасдиғини топган. «Болалар соғлиғини ҳимоялаш ва уларнинг ўсишини таъминлаш» ҳақидаги 1990 йил

30 сентябрда қабул қилинган Умумжаҳон Декларациянинг 18-моддасида: Жамиятнинг барча муассасалари, ота-она ва бошқа васийларнинг болаларини оила шароитида боқиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ бўлган уринишларни ҳурмат қилишлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур» дейилади. **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»** нинг 25-моддасининг биринчи қисмида **«Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлик ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, кассалик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга»²⁴**, - дейилади «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 25-моддасининг иккинчи қисмида. **«Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳдан ташқарида туғилишдан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак»²⁵**. Ота-она ўз бурч ва мажбуриятларини тўғри англаган ҳолда, боланинг ривожланишига шарт-шароит яратмоқлари лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мустаҳкамлаб кўйилган. Жумладан, Оила кодексининг 11 бобида вояга етмаган болаларнинг оилада яшаш ҳуқуқи, ота-оналарнинг бағрида, қариндош уруғи қамровида тарбияланиш, ўз исм-фамилиясига эга бўлиш ва уни ўзгартиришга доир ҳуқуқлари қонунлаштирилган. **«Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир»**. Шу тарзда хулоса қилса бўлади, инсон ҳуқуқлари барча ҳуқуқ соҳаларига қараганда алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда бутун инсониятнинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шахсий

²⁴Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган нашр. 2008. – Б. 10.

²⁵ Ўша жойда.

мустақиллиги каби асосий қадриятлари алоҳида тўла мужассамлашади. Ушбу қадриятлар инсон ҳуқуқларида ўзининг норматив мустаҳкамланган аксини топиб ҳуқуқий воситалар ва институтлар кўмагида амалга оширилиши кафолатланади. Аммо инсон ҳуқуқлари концепциясининг ички мазмуни ва мақсади фақатгина қонуний тартибга солишнинг тор доираси билангина чекланиб қолмайди. Цивилизациялашган жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашни ҳуқуқий усуллари стандартлар ва умумий ҳаёт нормадаги муаммоларининг муҳим қисми ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа қўшимча ҳуқуқий кафолатлар бошқа меъёрий қадрият тизимларида ва энг аввало, ахлоқий тизимда акс этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида тизимлилик асосида ишлар олиб борилмоқда, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари тизими ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий институтлари ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Кўпчилик демократик давлатлар тажрибаси инсон ҳуқуқлари, ва айниқса, биринчи авлод деб аталадиган²⁶ ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг миллий даражадаги самарали механизмини яратмай туриб, фуқаролик жамияти ва демократик давлатни шакллантириб бўлмаслигини исбот қилди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг аниқ таъминланиши ҳар қандай давлатнинг барқарор ва динамик ривожланишининг асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида қилган **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида таъкидлаганидек: **«... биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг**

²⁶ Биринчи авлод инсон ҳуқуқларига шахсий (фуқаролик) ва сиёсий ҳуқуқлар киради.

барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир»²⁷.

Бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳозирги замон концепциясини, муаммонинг тарихи ва назарияси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, Ўзбекистон юридик фани олдида турган ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланиш босқичларининг ҳар бирига ҳуқуқ субъекти бўлиши инсоннинг ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинлиги ва эрксизлигига оид тасаввурлари мувофиқ ўз юридик концепцияси мос ва ҳосдир. Бу маънода ҳуқуқ тарихи — инсон ҳуқуқларига оид оддий, чекланган ва ҳозирга қадар ривожланмаган тасаввурларнинг шаклланиши ва эволюцияси тарихидир. Энг умумий шаклда айтиш жоизки, у ёки бу жамиятда инсон ҳуқуқларининг тан олинганлиги ва ҳимояланганлиги чоралари унинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, умумтараққий ривожланиш даражаси, инсонпарварлиги ва либераллашганлиги билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари — инсоннинг ҳуқуқий лаёқатлилиги ва ҳуқуқ субъекти эканининг эътироф этилишидир.

Халқаро ҳамжамият сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида салмоқли йўлни босиб ўтди. Аввало, 1945 йилда БМТнинг асосий мақсадлари сифатида барча инсонларнинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш ва ҳурматлашни эълон қилган ҳолда БМТ Устави, шунингдек 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Ҳозирги кунга келиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор шартномалар ва халқаро органлар тизими ташкил этилган. Аммо эришилган барча ютуқларга қарамай, инсон ҳуқуқлари

²⁷Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 й.,12 ноябрь.-Т.:Ўзбекистон, 2010.-Б.

соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тизими ҳозирги кунда такомиллашувдан анча йироқ. Бундан ташқари, ҳозир жаҳонда инсон ҳуқуқларига нисбатан илгари мавжуд бўлмаган янги таҳдид ва даъватлар пайдо бўлмоқда. Бунга сўнгги йилларда янги шакл касб этаётган ва таҳдид доираси тобора кенгайиб бораётган терроризм муаммосини киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари соҳасида бошқа муаммолар ҳам мавжуд ҳамда ҳозирги кунда янги аҳамият касб этиб, уларга янги ёндашув эҳтиёжи туғилмоқда. Инсон ҳуқуқларининг ривожланиш босқичларини кўриб чиқаётганда инсон ҳуқуқларининг авлодлари деб аталадиган даврларга бўлиш билан боғлиқ яна бир вазиятга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Халқаро амалиётда умумэътироф этилган бундай тизимлаштиришдан бири инсон ҳуқуқларининг «уч авлоди» ҳисобланади.

Биринчи авлодга шахсий (фуқаролик) ва сиёсий ҳуқуқлар киради. Бу умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг «эски» авлоди бўлиб, ўн саккизинчи аср европа ва америка сиёсий-ҳуқуқий фалсафасидан ўсиб чиққан. Улар БМТнинг дастлабки ҳужжатлари — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948й.) ва минтақавий битимларда ўз ифодасини топган. Бу ҳуқуқни айрим олимлар «негатив» деб атайдилар, чунки кўпчилик давлатлар имплементация учун бирор бир аниқ ҳаракатни бажармасликлари мумкин, фақат уларни айрим шахслар томонидан амалга оширилишига аралашмасликлари керак. Бу асосан Буюк Француз инқилоби вужудга келтирган концепция эди. Ушбу ҳуқуқларга қўйидагилар киритилди: яшаш ҳуқуқи; қадр-қиммат ҳуқуқи; виждон эркинлиги; ҳаракатланиш эркинлиги; шахсий хавфсизлик (дахлсизлик); хусусий мулк ҳуқуқлари.

Инсон ҳуқуқларининг иккинчи авлоди — ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар бўлиб, «позитив» ҳуқуқлар деб аталади, чунки уларнинг амалга оширилиши учун давлатнинг аниқ ҳаракати талаб қилинади. Уларнинг тан олинishi давлат билан турли сиёсий тизимлар ўртасида ғоявий, ҳуқуқий келишувлар натижаси ҳисобланди. Европада бундай

ҳуқуқларнинг тан олинishi, эҳтимол мамлакатларнинг ижтимоий йўналиши (ориентацияси), меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашиши, касаба уюшмалари ҳаракатига таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас. Бундай ҳуқуқларга қуйидагилар киради: меҳнат қилиш ҳуқуқи; мулк ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи; ижод эркинлиги; турар жой ҳуқуқи; мерос ҳуқуқи.

Инсон ҳуқуқларининг учинчи авлодига коллектив ҳуқуқ, яъни озчилик ҳуқуқи, шунингдек, халқлар ҳуқуқи киради. XX асрнинг 80 йилларида БМТ озчилик халқларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ҳужжатлар ишлаб чиқади, халқаро ҳудудий нормалар қабул қилинади. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга Хельсинки жараёни, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ўз ҳиссасини қўшади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: тинчлик ва хавфсизлик ҳуқуқи; қуролсизланиш ҳуқуқи; ривожланиш ҳуқуқи; соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ.

Айрим олимлар одамлар жамоаси ёки халқлар эмас, балки фақат индивидгина ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши керак деб, ҳуқуқларнинг учинчи авлодига қарши чиқадилар ва шу билан бир вақтда, назаримизда, кўпчилик олимлар халқлар ҳуқуқларини ҳақли равишда инсон ҳуқуқларига киритадилар. Халқлар ҳуқуқи нисбатан яқинда пайдо бўлган. Улардан бири халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, бошқалари қайта ишлаш ва кейинчалик ҳуқуқий расмийлаштиришни талаб қилади. Инсон ҳуқуқларига доир тасаввурлар вақт ва макон бўйича ўзгариб туради. Аста-секин янги ҳуқуқ, хусусан— ҳамкорлик ҳуқуқи вужудга келади, ҳаётдаги янгича ўзгаришлар туфайли илгари мавжуд бўлган ҳуқуқлар мазмунига аниқлик киритиш амалга ошади. Глобаллашув шароитида инсоният олдида пайдо бўлган янги муаммоларни, яъни табиий атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, янги турдаги қуролларнинг ишлаб чиқарилиши, ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тафовутнинг кенгайиб боришларни

англаб этиш натижасида барқарор ривожланиш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ўлчами назарияси ифодалаб берилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи яна шуниси билан таърифланадики, жуда кўплаб мамлакатлар бундай ҳамкорликнинг нақадар муҳимлигини англаб етмоқдалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича шарт-номаларнинг иштирокчисига айланмоқдалар ҳамда бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг универсал тизими аста-секин шаклланаётганлиги ҳақида сўз юритиш имконини беради. Шундай қилиб, инсоният турмушининг янгича шарт-шароитлари улар олдига янги муаммоларни қўймоқда ва бу муаммоларни, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини излаб топишни талаб қилмоқда.

III-BOB. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АҲЛОҚ ВА ҲУҚУҚ УЙҒУНЛИГИ

3.1. Фуқаролик жамияти қуришда ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигининг аҳамияти

Ахлоқ ва ҳуқуқ алоҳида-алоҳида ўзига хос тушунчалар бўлса ҳам улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, инсон ҳуқуқини амалга ошириш ёки уни ҳимоялаш ахлоқ асосида кечгандагина у адолат принципларига мос келади. Акс ҳолда куч ишлатиш, зўрлик, ахлоқсизлик каби офатлар жамият илдизини кемиради. Ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча ўзаро фарқланадиган жиҳатлар касб этади. Бу ҳолат қуйидагиларда намоён бўлади:

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқлари	
Ахлоқ	Ҳуқуқ
Ахлоқий меъёрлар ёзма характерга эга эмас, у урф-одат ва анъаналарда белгиланади	Ҳуқуқ меъёрлари аниқ расмий характерга эга бўлган ҳужжатларда белгилаб қўйилади
Ахлоқий меъёрлар объектив равишда келиб чиқади.	Ҳуқуқ меъёрлари давлат томонидан ўрнатилади
Ахлоқий меъёрларни амал қилишини таъминлаш механизми – бу жамоатчилик фикри	Ҳуқуқ меъёрлари амал қилишини таъминлаш механизми - давлат органлари санкцияси асосида кечади
Ахлоқий меъёрларни амал қилиши ихтиёрий ва эркин тарзда кечади	Ҳуқуқ меъёрларига амал қилишда ихтиёр эркинлик меъёрий ҳужжатлар билан қатъий чегаралаб қўйилади

Кўриниб турибдики, ахлоқ ва ҳуқуқ маънавийтли инсонни турли жиҳатларини бирлаштиради, маънавияни юксалиши учу насос вазифасини бажаради. Ахлоқ ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар ҳисобланади:

-ахлоқ ва ҳуқуқ, барча фуқароларнинг манфаатлари, интилишлари ва иродасини ифодалайди;

-шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиради;

-миллий ва мулкый ҳолатидан қатъий назар ҳар бир фуқарога тенг талабни қўяди;

-ахлоқдаги тенглик принципи кишиларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқли эканига мос келади;

хуқ-атворни баҳолаш учун бир хил мезонлар илгари сурилади - адолатпарварлик, инсоннинг табиий ҳуқуқларини фуқаролик ва сиёсий эркинлигини ҳурмат қилиш:

-ахлоқ ишонтириш методига асосланади, бу метод ҳуқуқда ҳам асосий метод ҳисобланади;

Демак ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисига таъсир кўрсатадиган ходисадир. Кўп асрлар давомида, антик даврлардан бошлаб мутафаккирлар ахлоқ ҳақида жуда кўп асарлар ёздилар. Улар ахлоқнинг моҳиятини тушунишга, тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Ўтган узоқ тарихий тараққиёт даврида ахлоқ қуйидагича талқин қилиб келинди:

-кундалик ҳаёт ақлий тажрибаси;

-индивиднинг ўз хуқ-атворидан қониқиши;

-бурчга садоқат рамзи;

-ижтимоий стабиллик ва тартибни сақлаш воситаси;

-ижтимоий фойдани талаб қилувчи ижтимоий ҳодиса;

-жамиятда адолатни қарор топтирувчи восита;

-инсонларнинг ўзаро ҳамжихатлигини таъминловчи восита;

-виждон овозига бўйсундирувчи восита;

-инсон ҳаётининг олий маъносини англаш йўли.

Ҳар бир инсон ўзининг бутун умри давомида ўзининг қадриятлар тизимини, ўзининг хуқ-атвор, ёмонлик ва яхшилик, бахт, адолат ва бошқа ахлоқий категориялар ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириб боради.

Инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат турғун туриш хусусиятларига эгадир. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак,

ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зеро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ, эркин ихтиёри на фақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботот, ҳайвонат олами, бутун дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосий воситаси ахлоқдир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо кишида масъулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга қўл уриши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устиворлигини тан олади, холос.

Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий танлов – ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишнинг ибтидо нуқтаси. Умуман инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида танловнинг аҳамияти беқиёс.

Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилган. Илк ахлоқий қоида «ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар муқаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган. Ана шу, инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган қонун-қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилдан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари ахлоқий тараққиётдан далолатдир.

Ахлоқнинг таркибий тузилиши мураккаб бўлиб, қуйидаги унсурлардан иборат:

-ахлоқий амалиёт - ахлоқнинг муҳим ва белгиловчи компоненти бўлиб, инсоннинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Фақат инсон хуқ-атворининг хатти-ҳаракатларда намоён бўлиш орқалигина унинг ахлоқийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин;

-инсоннинг фаолияти, инсон томонидан ахлоқ меъёрлари ва принципларининг амалиётга татбиқ қилиши унинг ахлоқий тарбияси, ахлоқий маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фаолиятда аниқ бир мақсадни кўзлаб, тегишли воситалар, усуллар орқали ҳаракат қилинади ва маълум натижаларга эришилади. Ҳар қандай мақсад албатта ахлоқий мазмунга эга бўлади. Бу мақсадлар маълум воситалар ахлоқий мазмунига кўра, қўлланилиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган воситаларга ажратилиши мумкин. Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ахлоқий ва ҳуқуқий асосда ҳал этилади.

Ахлоқий муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг кўриниши сифатида инсонлар томонидан ахлоқий (ахлоқсиз) хатти-ҳаракатларни содир этиш жараёнида вужудга келади. Ахлоқий муносабатларнинг объектив ва субъектив томони мавжуд. Субъектив томони - бу инсоннинг қизиқишлари, ҳиссиётлари. Объектив томони эса - инсон учун императив характерга эга бўлган меъёрлар, идеаллар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа ижтимоий факторлар ҳисобланади.

Кишилар ахлоқий муносабатга киришар эканлар, ўз зиммаларига муайян ахлоқий мажбуриятларни оладилар ва муайян ахлоқий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ахлоқий муносабатларнинг шаклланган тизими мавжудлиги ижтимоий гуруҳ (хизмат жамоаси)да мўътадил ахлоқий руҳий иқлимни белгилайди. Хизмат жамоаларидаги ахлоқий муносабатлар уч даражага бўлинади:

- 1) бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;
- 2) ҳамкасблар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;
- 3) фуқаролар билан бўладиган ахлоқий муносабатлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш таркибига кирган ҳар бир идорада бу муносабатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари бевосита уларнинг ҳуқуқий муносабатларида намоён бўлади. Бу бирлик ахлоқ ва ҳуқуқнинг, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро манфаатлар нисбатини тўғри белгилаши ахлоқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг тенглик принципи ўртасида уйғунликни таъминлаган ҳолда, барчага нисбатан бир хил талаблар қўйилишида, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ-атворини баҳолашда асосий мезон - адолат принципининг талаблари асосида ёндашишида; ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиянинг ишонтириш усулидан кенг фойдаланилишида яққол кўринади.

Шу билан бирга ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжуддир:

-юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан, ахлоқий муносабатлар эса жамоатчилик (халқ) томонидан эътироф этилади ва ўрнатилади;

-ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг мажбурлов томонидан қўриқланади, ахлоқий муносабатлар эса ҳар бир инсоннинг ички эътиқоди, иймони ҳамда жамоатчилик таъсир кучи томонидан муҳофаза қилинади;

-ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топса, ахлоқий муносабатлар эса «ёзилмаган қонунлар» шаклида бўлади;

-ҳуқуқий муносабатлар қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар орқали бошқарилади, ахлоқий муносабатлар эса умуминсоний қадриятлар асосида тартибга солинади;

-ҳуқуқий муносабатларни бузганлик учун давлат мажбурлов чоралари кўрилса, ахлоқий муносабатларни бузганлик учун жамоат таъсири кўрсатилади.

Олим Н.Э.Муҳаммадиевнинг фикрича, «ахлоқий муносабатлар ва ҳуқуқий муносабатлар узвий бирликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Бу бирлик ахлоқий муносабатлар талабининг ҳуқуқда ўз аксини топганлигида ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг ахлоқий мазмун касб этишида намоён бўлади»²⁸.

Ахлоқий онг - ўз ичига ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларга таъсир кўрсатувчи билимлар, қарашлар, ҳиссиётлар, меъёр, принципларни қамраб олади. Шу билан бирга уят, виждон азоби, ўз хатти-ҳаракатидан ачиниш ёки қониқиш, ҳақлигини англаш каби ахлоқий ҳиссиётларни уйғотувчи ахлоқий ўз-ўзини англаш ва ахлоқий ўз-ўзини баҳолашни қамраб олади. Ахлоқий онг аксиологик хусусиятга эга, чунки ҳар бир ҳодисага муайян ахлоқий меъёр, принцип, анъана, қадрият, идеаллар нуқтаи назаридан ёндашади. Ахлоқий онг ижтимоий тараққиёт жараёнида кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ва ижтимоий муносабатларини бошқариш эҳтиёжи туфайли келиб чиқади.

Ахлоқий онг воқеликни инъикос эттирар экан, бошқа ижтимоий онг шакллари сингари ҳақиқий ёки аксинча бўлиши мумкин. Унинг ҳам ҳақиқатлиги мезони ижтимоий практика ҳисобланади. Шу билан бирга ахлоқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ахлоқий онг бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан кишиларнинг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқ-атворига фаолроқ таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар, принциплар, идеаллар инсон фаолиятига бевосита сингиб кетган бўлиб, хатти-ҳаракатга ундовчи мотивлар ҳисобланади.

Назарий қарашлардан фарқли равишда ахлоқий онг инсонга кундалик онг, ижтимоий руҳият даражасида таъсир кўрсатади. Фақат юқори даражада

²⁸ Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти.-Т,1998.-Б. 20-21.

ахлоқий онг илмий билим хусусиятларига эга бўлади, ахлоқий қарашлар ва идеаллар назарий билимларга айланади. Ахлоқий онг, ахлоқий билимлар мажбурий характерга эга (императив характерга эга).

Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан иборат:

-индивидуал ахлоқий онг,

-ижтимоий ахлоқий онг,

Индивидуал ахлоқий онг таркибига шахсинг ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳазаси киради, ижтимоий ахлоқий онг таркибига жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этиладиган ахлоқий кодекслар, категориялар, меъёрлар, принциплар, ғоялар ва хоказолар киради.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Масалан, ахлоқ билан дин алоқадорлиги масаласида шуни айтиш мумкинки, моҳиятан дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний – шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади. Дин инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси сифатида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир хил.

Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар ўша минтақа халқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий қоидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумий хусусиятга эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўғитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга тааллуқли бўлади.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси ўзига хосдир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чақиради.

Лекин айрим назариялар ҳам борки, уларни ахлоқсиз деб аташ ўринли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, машҳур «Мальтус

назарияси»га назар ташлайлик. Инглиз иқтисодиёт назариётчиси Мальтус (1766-1834 йй.) илгари сурган ғояга кўра, аҳоли геометрик прогрессияга, истемол маҳсулотлари арифметик прогрессияга мувофиқ ўсиб боради. Аҳоли тезлик билан ўсиб бориб, ер юзида қашшоқлик, озиқ-овқат етишмовчилиги вужудга келади. Шу боис урушларни олиб бориш табиий ҳолат сифатида ўзини оқлайди. Мальтус бу ўринда урушни тарғиб қилиш билан ахлоқсизликнинг энг юксак кўринишини намоён этмоқда.

Маълумки, барча фанлар, хусусан, табиий фанларнинг ҳар бири ўз соҳасида ҳақиқатнинг аён бўлишига хизмат қилади. Ахлоқнинг пировард натижаси эса инсонни ҳақиқатга олиб бориш, уни комил мавжудот қилиб тарбиялашдир. Ана шу нуқтада ахлоқ ва фан билвосита муносабатга киришади. Айни пайтда илм-фанда эришилган оламшумул ютуқлар инсоният жамияти олдига янги-янги ахлоқий вазифалар ва муаммоларни қўяди. Чунончи, сўнги пайтларда фан-техника тараққиётининг юксак даражаси ва экологик бўҳронларнинг юзага чиқиши сабабли экологик ахлоқшунослик сингари ахлоқ оламининг янги йўналишлари вужудга келди; ноосферадан ёки бошқача айтганда техносферадан этосферага – ахлоқий муҳитга ўтиш зарурати инсоният жамияти ахлоқий маданияти олдидаги энг долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда. Шу боис техникавий фанлар тараққиётининг навбатдаги босқичлари фақат ахлоқ талабларига мос, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий назорат остида амалга ошмоғи лозим.

Ахлоқ мазкур ижтимоий ҳодисалар марказида туради. У нафақат марказий ижтимоий ҳодиса, балки бошқа ижтимоий ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Уни четлаб ўтишга интилиш ҳар қандай мафкурани таназзулга олиб боради, жамиятни том маънодаги маънавиятдан маҳрум этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислам Каримовнинг: **«Аслини олганда, ахлоқ- маънавиятнинг ўзаги»**, деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз учун табиий хулоса бўлиб жаранглайди. Дарҳақиқат, ахлоқ

маънавият тизимидаги энг таъсирчан, энг бақувват ҳалқа, усиз одамзот маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън, ор-номус, иймон, муҳаббат, нафрат, ҳаётнинг маъноси, бахт категориялари «Этика»нинг асосий категориялари ҳисобланади. Шунингдек, кишилар ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворларини жамият талаблари нуқтаи назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир. Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън ва ор-номус, иймон, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаётнинг маъноси, бахт каби тушунчалар этиканинг категориялари ҳисобланади.

Ахлоқ алоҳида инсоннинг ўзгаларга муносабати сифатида сиёсат соҳасига алоқадордир. Агар сиёсатни кенг маънода, ҳар бир инсоннинг ўзга инсонларга муносабати деб оладиган бўлсак, бу соҳа шартли равишда икки қатламдан иборат: ҳуқуқ қатлами ва ахлоқ қатлами. Ҳуқуқ қатлами қонунга таянади, ахлоқ қатлами эса маънавий қадриятлар асосида қурилади. Аксарият ҳолатларда инсонлар аро муомалалар ахлоқий меёрлар асосида олиб борилади. Қачонки, кимдир ёки кимлардир ахлоқий меёрларни очикдан-очик ва кўпол равишда бузса, менсимаса, шундагина қонунлар ишга тушади, ахлоқнинг жамоа қабул қилган меёрларини тан олмаган инсон ёки инсонларни қонуний асосда кўпчилик қабул қилган қоидаларга бўйсунушга куч ишлатиб мажбур қилинади. Давлатнинг пайдо бўлиши ва биринчи навбатдаги вазифаси ҳам айни шунга, яъни ижтимоий меёрларни назоратда тутиб, жамият осойишталигини сақлашга қаратилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир жамоада инсонлар маънавияти қанча юқори бўлса, давлатнинг куч ишлатиб осойишталикни сақлаш эҳтиёжи ҳам шунча кам бўлади. Форобий назарда тутган «фозил шаҳар аҳолиси» аслида аксар аҳолиси юксак маънавият ва, демак, юксак ахлоқ эгаси бўлган жамият бўлиб, замонавий тилда биз буни «фуқаролар жамяти» (гражданское общество) деб атамоқдамиз.

Ҳар бир инсонга Аллоҳ таоло ўзига яраша хулқ ато этган. Ҳар бир инсон ўзига хос табиати, хулқи билан туғилади. Унинг ахлоқий фазилат ва

қурсурлари айни шу табиатан ато этилган хислатларнинг маънавият нуридан қанчалик баҳраманд бўлишига қараб шаклланади. Материалистлар инсон ахлоқининг қандай йўналишда шаклланишини атроф-муҳитнинг таъсири, ижтимоий шароитнинг соз-носозлиги билан боғламоқчи бўлишади. Аммо инсонда ички фаоллик бор, ирода бор – у хоҳ яхшиликка йўналган бўлсин, хоҳ ёмонликка. Инсон ўз имон-эътиқоди, илми, масъулият ҳисси, дилидаги меҳр туйғуси кимга қаратилганлигидан келиб чиқиб, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабатини шакллантиради. Шу сабабли айни бир муҳит, айни бир шароитда турли инсонлар турлича муносабат намоён қиладилар. Содда қилиб айтсак, инсон ўз ҳаётининг маъносини нимада кўрса, ўзгалар билан муносабатида, яъни ахлоқида шу ботиний моҳиятини қандайдир бир тарзда намоён этади.

Инсоният жамияти пайдо бўлиб, ривожланиб, унда кечадиган жараёнлар мураккаблашиб боргани сари жамиятни бошқариш, ижтимоий тартибни сақлаш ва турли зиддиятларнинг олдини олиш долзарб муаммо бўлиб қолаверди. Кишиларнинг билими ошиб, дунёқараши ўзгариб бориши натижасида жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, бошқача айтганда ижтимоий тартибни ўрнатиш ва сақлаб туриш мақсадида инсон ўзи учун иккита ижтимоий регуляторни, яъни ахлоқ ва ҳуқуқни ўйлаб чиқди.

Ахлоқ ва ҳуқуқ одамлар ўртасидаги муносабатларни муросага солиш ва келиштириш орқали жамиятда тартиб ўрнатади. Агар одамлар ўртасидаги муносабат ахлоқ ва ҳуқуқ воситасида муросага солинмаса, жамият сон-саноксиз зиддият, қарама-қаршилиқлар ва урушлардан иборат бўлиб бундай жамият охир-оқибатда ҳалок бўлади. Чунки, одамларнинг манфаатлари, қизиқишлари хилма-хил бўлиб, уларни қондириш жараёнида табиий равишда зиддиятлар келиб чиқади.

Инсоният билим асосида жамиятда тартиб ўрнатадиган ижтимоий регуляторлар, яъни ахлоқ ва ҳуқуқни ўйлаб чиққан экан, асосий эътибор ана шу ижтимоий регуляторларнинг ишлаб туриши ва унга риоя қилишни амалда таъминлашга қаратилиши керак бўлади. Жамиятни илм бошқарган

тақдирдагина ахлоқ ва ҳуқуққа риоя қилиш таъминланиши мумкин. Чунки, ушбу регуляторларга риоя қилиш учун мукамал назорат тизими шаклланган бўлиши керак. Бундай назорат тизимини шаклланиши ҳам илмий асосда бўлиши мумкин.

Жамиятда шундай назорат тизими шаклланиши керакки, у ахлоқ ва ҳуқуққа риоя қилишни амалда таъминлашга қодир бўлсин. Назорат механизми жамиятда ахлоқ ва ҳуқуқ асосида қабул қилинган чекловларга, шартларга риоя қилишни таъминлашга хизмат қилади. Демак, назорат бу ахлоқ ва ҳуқуқ асосида қабул қилинган чекловларга, шартларга риоя қилишни таъминлаш орқали жамиятда тартиб ўрнатадиган механизм фаолиятidir. Бундай шартларга, чекловларга риоя қилишнинг бузулиши ижтимоий тизимнинг фаолият олиб боришига зарар етказди. Ижтимоий назоратнинг асосий объектлари бўлиб ахлоқ ва ҳуқуқ ҳисобланади.

Назорат тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун қонун (ҳуқуқ)га ва ахлоққа риоя қилиш назорат қилиниши керак. Қонун ва ахлоқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилади. Қайси соҳада ёки қайси жараёндаги қонунга риоя қилиш назорат қилиниши керак? Албатта, барча жараёнларда қонунга ва ахлоққа риоя қилиш назорат қилиниши керак. Лекин энг муҳими кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнида қонун ва ахлоққа риоя қилиш қатъий назорат остига олиниши лозим. Ушбу жараёндаги қонун бузилиши ҳолатлари бошқа кўплаб ижтимоий муаммоларнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Буюк олим ва табиб Абу Али Ибн Сино ўзининг асарларида касалликни эмас, сабабини даволаш керак деб, ёзиб қолдирган эди. Сабаб бартараф қилинмаса, оқибат бартараф қилинмаслиги аллақачонлар исботланган ҳақиқатдир²⁹.

Мамлакатимизда жамиятни илм ва маънавият асосида бошқариш учун барча сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослар яратилган. Жамиятни илм ва маънавият асосида бошқариш ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган

²⁹Хайдаров О. Ижтимоий регуляторлар: ҳуқуқ ва ахлоқ ҳамда уларга риоя қилинишини назорат қилишнинг жамият ривожига аҳамияти// Образование и наука, 2012, 1 декабря.

назорат тизимини, уни ҳаракатлантирадиган механизмни ва унинг таркибий қисми бўлган сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини шакллантира олади. Барча жойда ижтимоий регуляторлар: ахлоқ ва ҳуқуққа риоя қилиниши жамият ривожини таъминлаб, уни олға етакловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Бу эса ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этаётган республикамиз учун муҳим аҳамият касб этади.

3.2. Ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги - фуқаролик жамияти қуриш шартли сифатида

Фуқаролик жамиятини қуришда маънавий омилларни ривожлантиришда ўзаро чамбарчас боғланган икки энг қудратли ва таъсирчан ижтимоий тартибга солувчи омил сифатида ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлашш лозим. Бироқ ахлоқ ва ҳуқуқ, шу билан бирга барча ижтимоий меъёрлар ҳам, фақат умумий хусусиятларгагина эга бўлиб қолмайди, балки уларнинг бир-бирдан ўзаро жиддий фарқлари ҳам мавжуд бўлади.

Маълумки, **ахлоқ бир одамнинг иккинчи бир одамни баҳолаш қобилиятинигина эмас, балки ўзини-ўзи ҳам баҳолай олиши, яъни у ўзини шахс сифатида хис этиб, ўз шаънини ҳам қадрлай билиши кераклигидан бошлашни афзал кўрдик.** Шу ўринда И. Кантнинг қуйидаги сўзларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ: **«...Кимки ўзини чувалчангга айлантириб қўйган бўлса, кейин оёқ остига олиб тегишаётганидан шикоят қилмаслиги керак»³⁰.** Машҳур олим М.Р. Иеринг ҳақли равишда қайд этганидек, беор қонунсизликка қаршилик кўрсатиш **«қонуний ҳуқуқдор одамнинг ўз-ўзига нисбатан мажбуриятдир»³¹.**

Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги ўзаро нисбат анча мураккабдир. Бу нисбат тўрт таркибий қисмдан: **бирлик, фарқланиш, ўзаро боғлиқлик ва зиддиятдан** иборат эканлигига эътибор қаратайлик. Қуйида уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг бирлиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-биринчидан, улар биргаликда меъёрий тартибга солиш тизимини ташкил этувчи ижтимоий меъёрлардан иборатдир;

³⁰ Кант И. Методика нравов в 2-х частях. // Соч. 6-ти т. 4-том. М., 1995, 376-бет.

³¹ Каранг: Иеринг Р. Борьба за право. М., 1991, 16-бет.

-иккинчидан, фалсафий нуқтаи назардан ахлоқ ва ҳуқуқ – иқтисодий, маданий ва бошқа омиллар ҳамда сабабиятлар билан бир хил даражада боғлиқ бўлган устқурма категориялар бўлиб, бу ҳолат уларни ижтимоий бир турга мансуб қилиб қўяди;

-учинчидан, бутун халқ манфаатларини ифода этувчи амалдаги чинакам халқ ҳокимияти, демократизм, давлатчилик уларнинг ягона сиёсий пойдеворидир;

-тўртинчидан, ахлоқ ва ҳуқуқ мавжуд ижтимоий муносабатлардан иборат бирдан-бир бошқариш объектига эга ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил одамлар ва жамоаларга йўналтирилган;

-бешинчидан, ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрий ҳодисалар сифатида одамларнинг зарур ва мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари чегараларини белгилайди; шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади;

-олтинчидан, инсон фаолиятини тартибга солувчи омил сифатида улар киши иродасининг эркинлиги, хатти-ҳаракатларини танлаш имкониятларига асосланади;

-еттинчидан, ахлоқ ва ҳуқуқ охир-оқибатда бир хил вазифа – ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва такомиллаштириш, унга ташкилий асосларни киритиш, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш вазифаларини кўзда тутаяди;

-саккизинчидан, ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам чуқур асосга эга бўлган тарихий қадриятлар, жамият тараққиётининг ижтимоий ва маданий кўрсаткичлари сифатида майдонга чиқади.

Ҳуқуқнинг мақсади – «одамларнинг биргаликдаги ҳаётини тўқнашувлар, ўзаро курашлар, кескинликлар, баҳс-мунозаралар ва хоказоларга имкони борича камроқ руҳий қувват сарфланадиган тарзда ташкил этишдир».

Айни пайтда биз кўриб чиққан умумий хусусиятлар билан бир қаторда ахлоқ ва ҳуқуқ жиддий фарқларга ҳам эга. Бунда ана шу фарқлар

юридик фан учун кўпроқ аҳамиятга моликдир. Худди шунинг учун ҳам ахлоқ ва ҳуқуқнинг аломатлари ғоят синчковлик билан таҳлил этишни талаб қилади³².

Бинобарин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бир-биридан фарқланувчи хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Ахлоқ ва ҳуқуқ бир-биридан, энг аввало, белгиланиш, шаклланиш усуллари ва манбалари бўйича фарқ қилади. Ҳуқуқий меъёрлар давлат томонидан ва фақатгина давлат томонидан ёхуд унинг розилиги билан айрим жамоат ташкилотлари томонидан яратилади ёки тасдиқланади. Давлат томонидан улар бекор қилинади, тўлдирилади ва ўзгартирилади. Шу маънода давлат ҳуқуқнинг сиёсий ижодкори ҳисобланади, ҳуқуқий ижодкорлик истисносиз фақат давлатгагина бериладиган имтиёздир. Шунинг учун ҳуқуқ халқнинг оддий иродасини эмас, балки унинг давлати иродасини ифодалайди ва бинобарин, оддий тартибга солувчи сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг махсус давлат тартибга солувчиси сифатида майдонга чиқади. Ахлоқ бошқача тарзда таркиб топади. Унинг меъёрлари бевосита давлат томонидан эмас, бутун жамият томонидан яратилади. Бу меъёрлар доимий равишда одамлар амалий фаолияти, уларнинг ўзаро алоқалари жараёнида пайдо бўлиб, ривожланиб боради. Янги ахлоқий қадриятлар ўз андозасига эга бўлиши мумкин бўлсада, ҳамиша ҳам намуна, ўрнак бўлавермайди. Чунки эски салбий ҳодисаларга барҳам бериб улгурмай, янгиларининг пайдо бўлиши шундан далолат беради. Ахлоқ меъёри мавжуд бўлиш, яшаб қолиш ҳуқуқини қўлга киритиши учун расмий ҳокимият розилигининг ҳожати йўқ: жамият, синф, ижтимоий гуруҳ, жамоанинг, яъни унга риоя этишни мўлжаллаганлар эътирофининг ўзи кифоя. Ахлоқий ўғитлар ижобий қонунчилик курали бўла олмайди.

³² Багафсилроқ қуйидаги манбага қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги.-Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2005.- Б.24-52.

Бу ҳолат давлат ахлоқнинг шаклланишига ҳеч қандай таъсир ўтказмас эканда, деган маънони англатмайди. Давлат ҳуқуқ орқали, сиёсат, мафкура, матбуот, бутун ижтимоий муносабатлар тизими орқали шундай таъсирни ўтказди. Бироқ давлат ахлоқ меъёрларини тўғридан-тўғри ўзи ўзгартира олмайди. Яна бир хусусият ҳақида тўхталамиз. Ҳар қандай давлатда шу давлат томонидан вужудга келтирилган ягона ҳуқуқ амал қилади. Айни пайтда ахлоқ ҳатто бир давлатнинг ўзида ҳам ягона ва бир хил бўлмайди. У синфий, миллий, диний, касбий ва инсон турмушининг бошқа жиҳатларига боғлиқдир. Бу ҳол ҳуқуқнинг давлат билан келиб чиқиши бўйича алоқасини ҳамда ахлоқда бундай алоқадорликнинг йўқлигини яна бир бор исботлайди.

2. Ахлоқ ва ҳуқуқ уларни таъминлаш усуллари бўйича биридан фарқ қилади. Ҳуқуқ давлат томонидан яратилиб, жорий этилар экан, унинг томонидан таъминланади, муҳофаза этилади ва ҳимоя қилинади. Аслида бунда «давлат қонун йўли билан мустаҳкамланган муайян ҳуқуқ-тартиботни ўрнатувчи ва ҳимоя қилувчи умумий, яъни оммавий ҳокимиятнинг ҳуқуқий шакли сифатида» намоён бўлади³³. Шунинг учун ҳам ҳуқуқнинг ортида ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини кузатиб, уни бузувчиларни жазоловчи мажбурлов маҳкамаси туради. Зеро, ҳуқуқ илтимос ҳам, маслаҳат ҳам, хоҳиш ҳам эмас, балки бутун жамият аъзоларига қаратилган ҳамда айнан уларнинг манфаатлари йўлида мажбурлов имконияти билан мустаҳкамланган ҳокимият талаби, амри, кўрсатмасидир. Шу маънода ҳуқуқий меъёрлар умуммажбурий моҳиятга эга. Шу тариқа ҳуқуқда мажбурлов ҳолати мавжуддир. Бусиз у кишилар ҳаётининг таъсирчан тартибга солувчиси, ҳокимият қуроли бўла олмас эди. Бу – албатта, ҳуқуқ «жазо шамшири» бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Мажбурлов таҳдиди – қонун билан зиддиятга борилганда қўллаш учун мўлжалланган имконият.

³³ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Нерсеянц В.С. Общая теория права и государства. Изд. МЕЪЁР, 2001, 77-78-бетлар.

3. Ахлоқ ва ҳуқуқ ифода, қайд этиш шаклига кўра фарқ қилади.

Агар ҳуқуқий меъёрлар давлат ёки жамоат ташкилотининг махсус юридик ҳужжатлари (қонунлар, фармонлар, қарорлар)да мустаҳкамланиб, умуман кенг кўламли ва кенг тармоқли қонунчиликни ташкил этувчи тегишли кодекслар, тўпламлар, низомларда гуруҳларга ажратилиб, тартибга солинса, ахлоқий меъёрлар бундай аниқ ифодага эга бўлмайди, қолаверса, қайд ҳам этилмайди, тайёрланмайди ҳам. Бунинг устига улар ижтимоий ҳаёт иштирокчилари бўлган одамлар онгида пайдо бўлади ва яшайверади.

4. Ахлоқ ва ҳуқуқ кишилар онгига таъсир этиш хусусияти ва усулларига кўра бир-бирдан фарқ қилади. Агар ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари – ҳаққонийлик ва ноҳақлик, қонунийлик ва ғайриқонунийлик, жазоланиш ва жазоланмаслик нуқтаи назаридан тартибга соладиган бўлса, ахлоқ инсон қилмишларига эзгулик ва ёвузлик, мақтов ва қоралаш, ҳалоллик ва нопоклик, олижаноблик ва пасткашлик, виждон, ор-номус, бурч нуқтаи назаридан ёндашади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг баҳолаш категориялари, ижтимоий мезонлари турличадир. Шу жиҳатдан ҳуқуқ меъёрлари таъқиқланадиган ва руҳсат этиладиган хатти-ҳаракатларнинг етарли даражадаги аниқ манзарасини ифода этади.

5. Ахлоқ ва ҳуқуқ уларни бузганлик учун жавобгарлик моҳияти ва тартиби бўйича бир-бирдан фарқ қилади. Ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари оддий жавобгарликни келтириб чиқарибгина қолмай, балки махсус-юридик жавобгарликни ҳам юзага келтиради. Айни пайтда жазо тайинлаш тартиби қонун билан қатъий чегаралаб қўйилган. Демак, одамга давлат номидан жазо тайинланади. Ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик мутлақо бошқа оқибатларга олиб келади. Бу ерда аниқ бир жазо чораси кўзда тутилмайди. Бериладиган жазо қоидабузарни ахлоқий қоралаш, унга танбеҳ бериш, жамоатчилик таъсири чораларини қўллашда ифодаланади.

6. Ахлоқ ва ҳуқуқ инсон хулқ-атворига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Гарчи айрим қилмишлар учун юридик қонунлар анча жиддий жазо чораларини кўзда тутишини билсакда, шахс олдига қўплаб талабларни қўювчи ахлоқнинг таъсир даражаси албатта бир мунча юқори туради. Чунончи, ахлоқ нопоклик, ёлғончилик, тухмат, алдовнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди, ҳуқуқ эса фақат уларнинг энг хавфли кўринишларинигина олдини олади.

Кўриниб турибдики, ахлоқ жамоатчиликка қарши қаратилган ҳаракатларнинг ҳеч қандай турига тоқат қилолмайди, ҳуқуқ эса бундай ҳаракатларнинг энг ёвуз кўринишларинигина жазолайди. Шунини алоҳида уқиб олиш керакки, биз бундай ёндашув билан ҳуқуқни ахлоқий тушуниш лозим деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз. Биз бундай қарашларни мутлақо оқламаймиз. Зеро, ахлоқ ва ҳуқуқ ўзига хос, мустақил мазмун-моҳиятга эга тушунчалардир. В.С. Нерсеянц таъбирича: «Ҳуқуқни ахлоқий тушуниш фақат ҳуқуқнинг эмас, балки ахлоқнинг ҳам моҳиятини муқаррар бузади, чунки ҳуқуқнинг ахлоқийлаштирилиши, ҳеч шубҳасиз, ахлоқнинг юридиклаштирилиши билан бирга кечади. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам ахлоқ ва ҳуқуқнинг мазмуни ва моҳияти ихтиёрий равишда белгиланади»³⁴. Бироқ, маънавий жиҳатдан олиб қараганда, ҳуқуқнинг ахлоқан тўғри, рисоладагидек бўлиши, яъни «ахлоқий қонун (ахлоқий позитив ҳуқуқ)нинг ва ахлоқий давлатнинг ахлоқан асосланиши»³⁵ мантиқлидир. Инсон хулқ-атворига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси бўйича ахлоқ ва ҳуқуқнинг яна бир фарқ қиладиган жиҳати шундаки, ахлоқийлик одамлар қилмишларини виждон категориясига таққослайди, уларни фақат қонун кўрсатмаларига эмас, балки бурч даъватига ҳам қулоқ тутишга чақиради. Ҳуқуқ инсонни ҳамиша ва ҳамма нарсада охиригача ҳалол-пок, виждонли, ҳақиқатгўй, адолатли, меҳрибон,

³⁴ Нерсеянц В.С. Общая теория права и государства. Изд. МЕЪЁР, 2001, 90-бет.

³⁵ Ўша Ўша манба, 91-бет.

олижаноб бўлиш, қахрамонликлар кўрсатишга мажбур қилолмайди. Қонун йўли билан кўрсатма бериш орқали бунга эришиб бўлмайди. Ахлоқ эса бунга даъват этади.

7. Ахлоқ ва ҳуқуқ амал қилиш соҳалари бўйича фарқ қилади.

Ахлоқий макон ҳуқуқий макондан анча кенгдир. Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг кўп қирраларини четда қолдириб, унинг энг муҳим соҳаларинигина тартибга солиб боради. Бунда одамлар ўзаро алоқаларининг муҳаббат, дўстлик, ўзаро ёрдам, дид-фаросат, мода, раҳм-шафқат каби жиҳатлари ҳуқуқ доирасидан четда қолади. Кишилар ўртасидаги муносабатларнинг бу соҳаларига ҳуқуқнинг кириб бориши, биринчидан, уларни ташқаридан назорат қилиб бўлмаслиги билан, иккинчидан, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан бундай қилишнинг маъноси йўқлиги билан, учинчидан эса, бу лоақал демократия ва инсонпарварликка зид бўлгани учун ҳам мустасно этилади. Бу ерда ахлоқ, одоб ва бошқа ижтимоий меъёрлар, анъаналар амал қилади. Ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, ахлоқ кишилиқ жамиятининг туб-тубига, барча қавакчаларию уячаларига кириб боради. Шунинг учун ахлоқ берган баҳо инсонлар ўзаро муносабатларининг барча шакллари, турлари учун муҳим ва зарурдир.

8. Фалсафий жиҳатдан ҳуқуқ билан ахлоқнинг фарқи шундаки, ахлоқ (сиёсат, мафкура, фан, санъат ва ҳоказолар билан бир қаторда) ижтимоий онг шакллари билан бири сифатида майдонга чиқади, бироқ ҳуқуқ ҳақида бундай мулоҳаза юритиб бўлмайди. Чунки ижтимоий онг шакли сифатида ҳуқуқ эмас, балки ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуққа бўлган қарашлар намоён бўлади. Қонунчилиққа, одатда, ғоялар, тасаввурлар сифатида эмас, давлатнинг бир белгиси, унинг тузилмаларидан бири, қолаверса, қуроли сифатида қаралади. Албатта, бу каби тушунчалар бир-бири билан чамбарчас чатишиб кетганига қарамай, жамиятда ҳукмрон бўлган ҳуқуқий қарашлар айнан шу қонунларнинг ўзида мужассамлашади.

9. Ниҳоят, ахлоқ ва ҳуқуқнинг тарихий тақдири турличадир.

Ахлоқ тарихий келиб чиқиши жиҳатидан анча, қадимий бўлиб, у инсоният жамиятида ҳамиша мавжуд бўлган ва бундан буён ҳам мавжуд бўлиши табиий. Позитив ҳуқуқ эса ижтимоий эволюциянинг муайян босқичидагина юзага келган ҳамда келажакда унинг тақдири, бутунлай бошқача кечиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ахлоқ ва ҳуқуқнинг умумий ва бир-бирларидан фарқ қилувчи хусусиятлари шулардан иборат. Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги тафовут чегара бир бор белгиланганича ҳамиша ўзгаришсиз қолиб кетмайди. Демакки, ахлоқ ва ҳуқуқ ижтимоий тараққиёт, содир бўлаётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда у ёхуд бу томонга қараб ўзгариб бориши мумкин.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро уйғунлашган ҳолдаги таъсири. Уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги мазкур ижтимоий тартибга солувчиларнинг ўзаро мустаҳкам алоқада ижтимоий ва амалий ҳаракат қилишини тақозо этади. Ахлоқ ва ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ишида, шахсга ижобий таъсир ўтказишда, фуқароларда юридик ва ахлоқий маданиятни, ҳуқуқий онгни шакллантиришда бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Кўп ҳолларда уларнинг талаблари бир-бирига мос келади: ҳуқуқ томонидан рағбатлантирилган субъектлар хатти-ҳаракатлари ахлоқ томонидан ҳам рағбатлантирилади.

Айтайлик, ахлоқ ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишини, айниқса, жиноятларни қоралайди. Бу каби ҳодисаларни баҳолашда ахлоқ ва ҳуқуқ муштаракдир. Ҳуқуққа қарши ҳар қандай хатти-ҳаракат юксак маданиятли жамиятда ахлоқсизлик ҳамдир. Ҳуқуқ қонунларга риоя этишни талаб қилади, ахлоқ ҳам худди шуни тақозо этади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўпгина моддаларида, айниқса, унинг Муқаддимасида, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясида ахлоқ ва ҳуқуқнинг нуқтаи назарлари бир-бирига ҳамоҳанг тарзда қўшилиб кетганига гувоҳ бўламиз. Маълумки, мустақил

Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Зотан, Конституциямизда ўз ифодасини топган умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам ахлоқий, маънавий маконни яратиш мумкин эмас эди.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ахлоқни қуйидагича таърифлаган эди: **«Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак»³⁶.**

Ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида ахлоқ ва ҳуқуқ умумий мақсадларга эришишда бир-бирларига кўмаклашади. Бунда уларнинг ҳар бири ўзига хос усуллардан фойдаланади. Одамнинг биргина қилмиши кишилар кўз ўнгида ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий баҳо олади, бу ҳақда ахлоқ ва ҳуқуқ ҳам қонун нуқтаи назаридан, ҳам виждон нуқтаи назаридан баҳо беради. Бу ҳолат турли ғайриижтимоий ҳодисаларни самарали тартибга солиш имконини беради.

«Одил судлов, – деб ёзганди ҳуқуқшунос А.Ф.Кони, – адолатдан воз кечиши мумкин эмас, адолат эса фақат жазо чораларини қонуний қўллашдангина иборат эмас. Суд арбоби ўзининг ақл-заковати, меҳнати ва ҳокимият кучини одамлар кирдикорларини баҳолашга сарфлашга даъват этилган экан, шу одамларга нисбатан бутун саъй-

³⁶ Ўша манба.-Б.53.

ҳаракатлари тарзи билан ахлоқий қонунни қўллашга интиломи даркор»³⁷.

Ахлоқ қоидаларини бузмай туриб, давлат қонунини бузиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишни судда ҳал этиш чоғида ҳуқуқий кодексдан ташқари, кўзга кўринмас ахлоқ «кодекси» ҳам ётади. Улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо этади.

Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги зиддият. Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқаси улар ўртасидаги жиддий зиддиятлар, тўқнашувлар ва тафовутларни истисно этмайди. Рус олими Иван Ильин таъкидлаганидек, **«ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги нисбатлар тўғри ва нотўғри бўлиши мумкин»³⁸.**

Ўз табиатига кўра ҳуқуқ консерватив бўлиб, одатда у ҳаёт оқимидан ортда қолади, боз устига, унинг ўзида ҳам қарама-қаршилиқлар оз эмас. Ҳатто энг мукамал қонунлар ҳам нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмайди. Ахлоқ эса жўшқинроқ бўлиб, содир бўлаётган воқеаларга фаолроқ муносабатда бўлади. Ахлоқ ва ҳуқуқ нотекис ривожланади. Ахлоқда ривожланишнинг ўз-ўзидан содир бўлиш ҳолати устувор бўлади. Шунинг учун ҳар қандай жамиятда турлича ахлоқий ва ҳуқуқий ҳолатни кузатиш мумкин. Ахлоқ ва ҳуқуқ бир хил далилларни турлича баҳолаши туфайли шундай аҳвол рўй беради. Бирок, ахлоқ ва ҳуқуқ орасида ғоят нозик чегаралар ҳукм сурсада, уларда бир-бирининг ичига кириб бориш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлади. Айтиш мумкинки, ахлоқ одамдан кўпроқ нарсани талаб қилади, қаттиқроқ ҳукм чиқаради.

Маълумки, фуқаролик жамияти тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти сифатида улар манфаатларини қаноатлантириш, амалга ошириш ва рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи корпорациялар – жамоат бирлашмалари, уюшмалари, ташкилотлари асоси ҳамда ушбу корпорациялар фаолияти натижасида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Шунга кўра, айтиш

³⁷ Қаранг: Кони А.Ф. Собр. соч. М., 1967, 51-бет.

³⁸ Қаранг: Ильин И. Порядок или беспредел. М., 1991, 37-бет.

мумкинки, «Ўтиш даври шароитида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир»³⁹. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат, энг аввало, ўз фуқароларининг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини қаноатлантира олган, таъминлай билган давлатдир. Дарҳақиқат, корпоратив меъёрлар (жамоат бирлашмалари ва корпорациялар томонидан қабул қилинадиган меъёрлар) ёки жамоат ташкилотлари меъёрлари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимининг таркибий қисмидир. Жамоат ташкилотлари меъёрлари ижтимоий меъёрларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бошқа ижтимоий меъёрлардан корпоратив меъёрлар нималари билан фарқ қилиши, шунингдек, уларнинг умумий томонларини аниқлаш учун, энг аввало, тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тури ва уларни амалга оширишни таъминлаш шаклига эътиборни қаратиш зарур.

Урф-одатлар ахлоқий меъёрларга нисбатан ҳуқуқ билан камроқ боғланганлигига мувофиқ бўламиз. Лекин шунга қарамай, уларнинг ҳуқуқ билан боғлиқ жиҳатлари талайгина. Чунки, авваламбор, урф-одатлар ўз хусусиятларига кўра хулқ-атвор меъёрлари ва кўникмалари сифатида майдонга чиқади. Таниқли ҳуқуқшунос С.С. Алексеев ўзининг «**Ҳуқуқ янги минг йиллик бўсағасида**» китобида эътироф этганидек: «**Урф-одатнинг ўзи меъёр, яъни ўз мақоми ёки хулқ-атвори бўйича қоида таъсирига тушиб қолганлар («хар нима» ёки «хар ким»)**га нисбатан

³⁹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 152-бет.

муайян ҳамжамият доирасида амал қилувчи умумий ахлоқ қоидаларининг кўп марта такрорланиши натижасида одатга айланган меъёрдир»⁴⁰. Шу билан бирга, урф-одатлар ва ҳуқуқ меъёрлари келиб чиқиши, ифода шакли, амалга ошириш усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, агар урф-одатлар одамлар пайдо бўлиши билан бирга юзага келган бўлса, ҳуқуқ меъёрлари фақат давлатга уюшган жамиятдагина вужудга келган. Урф-одатлар махсус ҳужжатларда мустаҳкамланмагани ҳолда ҳуқуқ меъёрлари муайян шакллардагина мавжуд бўлади, урф-одатлар ижтимоий фикр кучи билан таъминланадиган бўлса, ҳуқуқ меъёрлари давлатнинг мажбурлов имкониятига қараб амал қилади. Айни чоғда урф-одатлар хилма-хил эканлигини ҳам ҳисобга олиш даркор. Уларнинг бир тури илғор, ижобий хусусиятга эга бўлса, бошқалари зарарли бўлиши мумкин.

⁴⁰ Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия, 42-бет.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинган. Мустақиллик даврида фуқаролик жамиятининг пойдевори қурилди. Ҳозирги ислоҳотлар даврида фуқаролик жамияти қуриш жараёни янада чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш оргалари (шундан 8248 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари), 6500 дан ортиқроқ нодавлат ноижорат ташкилотлар, 4 та сиёсий партиялар фуқаролик жамияти институти сифатида тобора демократлашиб бормоқда.

Фуқаролик жамияти қуришда «Ўзбек модели» нинг асосий хусусиятларидан бири шуки – янги жамият миллий маънавий қадриятлари асосида шакллантирилмоқда. Маънавий юксалишининг асосий жиҳатларидан бири – бу ахлоқ билан ҳуқуқнинг уйғунлашувига эришишдир. Мустақиллик даврида бу соҳада ҳам улкан мувафакқиятларга эришилди. Мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қодир бўлган қонунчилик асослари яратилди, маънавий соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эса инсон ахлоқини юксалтиришдан иборат бўлмоқда.

Мамлакат Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» да (2010 йил 12 ноябрь) фуқаролик жамиятини ривожланган мамлакатлар даражасида ривожлантиришнинг янги ҳуқуқий асосларини қабул қилиш ва бу жамиятни янада ривожлантиришнинг концептуал дастури мужассамлашди. Хусусан, унда қонун устуворлигини ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзаро уйғунлаштиришнинг ҳам истиқболлари очиқ берилди..

Мазкур Концепцияда қуйидаги вазифалар қўйилган: **«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишлардан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.**

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда».

Албатта, жамиятда ахлоқ билан ҳуқуқни уйғунлаштириш масалалари ўз вақтида Афлотун, Арасту, Цицерон, Гегель, Ж. Локк, Ж.-Ж. Руссо, И.Кант, Т. Гоббс, Ш.Л. Монтескье каби машҳур олимлар томонидан илк бор тадқиқ этилган эди. Шарқда эса номлари жаҳонга машҳур бўлиб кетган мутафаккирлар – Абу Наср Фаробий, Иби Сино, Беруний, Ибн Рушд, АмирТемур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабилар фозил жамият қуриш учун ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлаштиришнинг аҳамиятига доир қатор илмий мерос қолдирдилар.

Собиқ иттифоқ даврида эса ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги ўта мафқуралаштирилди, бу вазифани амалга ошириш партияга топширилди. Шунинг учун ҳам бу соҳада фақат қоғоздагина «**ката ишлар**» амалга оширилди. Инсон ҳуқуқини топташ кучайса кучайдики, лекин озгина бўлса ҳам пасаймади.

Фақат мустақиллик даврига келиб бебаҳо ва бой маънавий меросимизни чуқур ўрганишга, тарихий ҳақиқатни тиклашга ва маънавий ривожланишга муҳим эътибор берилди бошланди. Ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамиятини шакллантириш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ахлоқ ва ҳуқуқни уйғунлаштириш асносида кечмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги масалаларини тадқиқ этиш эндигина авж олиб бормоқда. **Маълумки, уйғунлик (гармония) фалсафий тушунча бўлиб, унда борлиқдаги барча нарса, ҳодисаларнинг муайян фазо ва вақтдаги шакл ва мазмун бирлиги, ички мутаносиблиги, яхлит тизим тарзида мавжудлигини ифодалайди.**

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг пировард мақсади ҳуқуқий давлатни шакллантиришдан иборатдир. Фақат ҳуқуқ давлат шароитидагина ахлоқ билан ҳуқуқни уйғунлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади. Бундан қуйидаги ҳолатлар учун замин яратилади: фуқаролик жамиятининг туб моҳияти қуйидаги уч жиҳатнинг муштарак бирлиги орқали

амалга ошади: ҳуқуқий давлатчилик ва унга мос бўлган сиёсий тизимни ташкил этишида; иқтисодиётнинг хусусий мулкчиликка таянувчи ривожланган бозор иқтисодиётини ифода қилишида; барча ижтимоий муносабатларнинг юксак маънавий заминга таянишида.

Аҳолини, айниқса, ёшларни бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат, демократия ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳал қилувчи омили сифатида намоён бўлиб, бунинг учун ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигига эришиш тақозо этилади.

Ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларнинг уйғунлашган ҳолда ривожланиб бориши янги жамият қуришнинг барча томонларига ўз ижобий таъсирини кўрсатиши ҳуқуқий демократик давлатга хос объектив қонуниятдир. Инсон ҳуқуқини таъминлашга қодир бўлган ҳуқуқий маданият даражаси жамиятда қарор топган ҳуқуқий қадриятлар кўлами, уларнинг омма орасида кенг тарқалганлиги ҳамда улар томондан ихтиёр эркинлиги, ахлоқий танлов тамойили асосида ўзлаштирилганлиги билан ўлчанади. Ҳар бир алоҳида олинган инсоннинг ҳуқуқий маданияти унинг қонунларни, ҳуқуқий қадриятларни, қонунлар мазмунини ўз қалби, шуурига қанчалик сингдирганлиги, уларни ахлоқ меъёрлари билан қанчалик уйғунлаштирганлигига боғлиқдир.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти қуришда маънавий ривожланиш учун авваламбор ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигига эришиш лозим. Шунинг учун мамлакатда амалга оширилаётган маънавият ва ҳуқуқни ривожлантириш ислохотларининг устувор мақсади айнан соҳага қаратилмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, маънавиятни ривожлантириш, ахлоқ ва ҳуқуқни уйғунлаштиришга доир ислохотлар натижаси қуйидаги туб ўзгаришларга эришилгани ҳақида хулосалар чиқариш мумкин:

-мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотлари стратегик мақсадлардан келиб чиқиб ўзининг улкан натижаларини бера бошлади. Фуқаролик жамиятининг яшаши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар

яратилди, бу жамиятнинг институтлари демократик принциплар асосида фаолият юрита бошлади;

-мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб фуқаролик жамияти куриш ислохотлари миллий маънавийни юксатириш билан уйғун ҳолда чуқурлашиб бормоқда;

-мамлакатда жамиятдаги инсоний муносабатлар, давлат ва жамият бошқаруви маънавий ва миллий ахлоқий кадриятлар меъёрлари асосида фаолият юритиш тажрибаси ўрнатилди;

-фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш ислохотларининг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилди. Бу соҳада улкан натижаларга эришилди: аксарият халқаро ташкилотлар мамлакатдаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини юқори мақомларга эришганлигини эътироф этмоқда;

-мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар ва уларни амалга ошириш жараёни ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигига асосланмоқда. Деярли барча ҳуқуқий актлар инсон ҳуқуқини таъминлаш, жамиятда ахлоқ меъёрларини тиклашга қаратилмоқда;

-мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришнинг асосий кафолати сифатида маънавий кадриятларни юксалтириш, миллий ахлоқий фазилатларни қайтадан тиклаш, демократик кадриятларга ахлоқ меъёрларини сингдириш каби жиҳатлар эътиборга олинмоқда;

-мамлакатда фуқаролик жамияти ва маънавий юксалишга доир амалга оширилган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади: янги жамиятга хос бўлган, демократик сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар шаклланди, янгича фикрлайдиган, ўзининг мустақил дунёқарашига эга бўлган ёшлар қатлами шаклланди. Улар мамлакатдаги ислохотларни фаол иштирокчиларига айланди.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти куриш шароитида маънавий юксалишда ахлоқ ва ҳуқуқнинг уйғунлашуви даражасини янада ошириш мақсадларида қуйидаги фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар шаклланди:

-жамятда маънавий юксалиш мақсадларидан келиб чиқиб ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлигини амалга оширишни тадқиқ этиш учун бу соҳада инновациявий лойиҳаларни кўпайтириш, уларни рағбатлантириш, улардан олинган натижаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида республика «Маънавият тарғибот» маркази, унинг туман, шаҳар ва вилоятлар бўлимлари ҳузурида махсус комиссиялар ишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз;

- республика «Маънавият тарғибот» маркази тизимида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи тузилма ташкил этиш, уни доимийлик асосида фарғият юритишини йўлга қўйиш лозим;

- оммавий ахборот воситаларида ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги муаммоларини муҳокама қилишга қаратилган рукнлар таъсис этиш, бу жараёнга олимлар ва ёшлар вакиллариини жалб этиш, олинган натижаларни илмий анжуманлар муҳокамасига тақдим этиш ишини ташкил этиш;

-республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида ёшлар маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш билан боғлиқ тизилма ташкил этиш, уларни ҳар бир ёшлар жамоаси ва таълим масканларида фаолият олиб боришини ташкил этиш, улар фаолиятини самарали кечишини таъминловчи механизмлар яратиш;

-таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасидаги тарқоқ ҳолдаги маърифий тадбирларни бир тизимга бирлаштириш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, гуруҳлар мураббийлари, маънавият тарғиботи ташкилотлари, хотин-қизлар қўмитаси қуйи органларини бу соҳадаги фаолиятини бирлаштириш, ўзаро мувофиқлаштириш амалиётини ўрнатиш, бутун таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия жараёни концептуал асосда, яхлит тизим ва аниқ чора-тадбирлар кўламида, барча босқичларда ва ҳудудларда мунтазам ва узлуксиз олиб бориш амалиётини ўрнатишга эришиш чора-тадбирларини кўриш. Асосий эътибор маънавий-маърифий ишлар жараёнининг ўзигагина эмас, унинг пировард натижалари ва самараларига қаратишга муҳим эътибор бериш;

-миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни тизимли асосда ташкил этиш, узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогнозлаш механизмларини йўлга қўйиш, бу соҳадаги фаолиятнинг ташкилий, мазмун ва услубий жиҳатларини кучайтириш, бу соҳага янги усуллар ва воситаларни жорий этиш, ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ёшлар ўртасида ёйишга муҳим эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Абдуғаниевич

Каримовнинг асарлари ва нутқлари

I.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Т: Ўзбекистон, 1992.-78 б.

I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т: Ўзбекистон, 1993.-128 б.

I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т: Ўзбекистон, 1995.-269 б.

I.4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд.-Т: Ўзбекистон, 1996.-364 б.

I.5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд.-Т: Ўзбекистон, 1996.-380 б.

I.6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд.-Т: Ўзбекистон, 1996.-366 б.

I.7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд.-Т: Ўзбекистон, 1996.-349 б.

I.8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т: Ўзбекистон, 1997.-327 б.

I.9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Асарлар, 5-жилд. -Т: Ўзбекистон, 1997.-384 б.

I.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд.-Т: Ўзбекистон, 1998.-429 б.

I.11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т: Шарқ, 1998.-32 б.

I.12. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т: Ўзбекистон, 1998.-686 б.

I.13.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. Асарлар, 7-жилд. -Т: Ўзбекистон, 1999.-410 б.

I.14.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2000.-528 б.

I.15.Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар, 9-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2001.-432 б.

I.16.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2002.-542 б.

I.17.Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2003.-320 б.

I.18.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Асарлар, 12-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2004.-400 б.

I.19.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2005.- 448 б.

I.20.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият. Асарлар, 14-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2006.-280 б.

I.21.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар, 15-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2007.-320 б.

I.22.Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

I.23.Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т: Маънавият, 2008.-176 б.

I.24.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. Асарлар, 17-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2009. -б

I.25.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

I.26.Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Асарлар, 18-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2010.-б.

I.27.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза). -Т: Ўзбекистон, 2010.

I.28.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т: Ўзбекистон, 2011.- 439 б.

I.29.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Асарлар, 19-жилд.- Т: Ўзбекистон, 2011. -б

I.30.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Асарлар, 20-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2012.-320 б.

I.31.Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Асарлар, 21-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2013.-384 б.

I.32.Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар-биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир.Асарлар, 22-жилд.-Т: Ўзбекистон, 2014.-368 б.

I.32.Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.-Т: Иқтисодиёт, 2010.-146 б.

II. Қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

II.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

II.2.«Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Халқ сўзи, 1996, 10-сентябр.

II.3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун. -Туркистон, 1997, 30 август.

III. Китоблар, рисоалар ва илмий мақолалар

III.1.Абдулла Авланий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т: Ўқитувчи, 1992.

III.2.Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.-Б.75-101.

III.3.Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.-Т: Ёзувчи, 2001.

III.4.Зиёмуҳаммадов Б., Зиямуҳаммедова С., Қодирова С. Маънавият асослари. –Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

III.5.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Тошкент: Ёзувчи,1996

III.6.«Маънавият» асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғ. Гулом номидаги НМИУ. Т. 2009.

III.7.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000.

III.8.Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик (масъул муҳаррир И.Эргашев), –Т.: «Akademіya», 2005 йил.

III.9.Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). –Т.: «Akademіya», 2007.

III.10.«Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати».
«Akademiya» нашриёти. Т. 2007.

III.11.Мустақиллик. Изоҳли илмий–оммабоп луғат. –Т.: «Шарқ», 2000.

III.12.Отамуратов С, Раҳматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари.-
Т., 2000.

III.13.Эркаев А. «Маънавият ва тараққиёт». Т. «Маънавият». 2009.

III.14.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т:
Университет, 1998.

III.15. Шер А. Ахлоқшунослик. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

III.16.Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш
босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. «Akademiya». Т. 2010

IV. Интернет сайтлари

IV.1. www.gov.uz.

IV.2. www.press-service.uz.

IV.3. www.uza.uz

IV.4. www.bilim.uz.

IV.5. www.philosophy.ru.

IV.6. www.filosofiya.ru.

IV.7. www.philosophy.nsc.ru.

IV.8. www.philosophy.albertina.ru.

IV.9. www.history.ru.

